

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**“Миллий ғоя ва фалсафа”
кафедраси**

**ИСЛОМ ДИНИ
АСОСЛАРИ
ВА МАЪНАВИЯТИ**

КУРСИДАН

Ў Қ У В – У С Л У Б И Й

М А Ж М У А

Гулистон – 2013

У. Мавлянов, Ҳ. Усмонова. 5141500 – «Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими» таълим йўналиши талабалари учун «Ислом дини асослари ва маънавияти» курсидан ўқув-услубий мажмуа. Гулистон – 2013. 80 бет.

Мазкур ўқув-услубий мажмуа 5141500 – «Миллий истиқлол ғояси, ҳуқуқ ва маънавият асослари» таълим йўналиши талабалари учун таёрланган бўлиб, унда ўқув курсидан ишчи дастур, дастур бажарилишининг календарли режаси, рейтинг ишланма ва баҳолаш мезонлари, маърузалар матни, семинар машғулотларни бажариш тартиби ва уларни бажариш бўйича методик тавсиялар, мустақил иш топшириқлари, назорат саволлари, оралик ва якуний баҳолаш учун тузилган тестлар тўпламлари, фойдаланиладиган асосий ва қўшимча адабиётлар рўйхати берилган.

Ушбу ўқув-услубий мажмуа Вазирлик қошидаги Мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилиши қарори билан (№ 1 баённома, ____ ____ 2010 йил) нашр этишга тавсия қилинган.

Ўқув-услубий мажмуа Гулистон давлат университети ўқув-методик Кенгаши томонидан (№1 баённома, 30 август 2012 йил) нашрга тавсия қилинган.

Масъул муҳаррир:
Тақризчилар:

фил.ф.н. доц.Р.Маҳмудов
фил.ф.д. проф.Ҳ.Алиқулов
ф.ф.н.С.Исмоилов

U.Mavlyanov, Kh.Usmanova. Educational – methodical collection on “Principles of Islam and morality”. Gulistan-2013. 80 pg.

This educational and methodical complex is devoted to the students of Universities getting their education on speciality 5141500 - “National idea, Morality and Right”. It consists of working program, schedule, course of lectures, seminars, themes of Individual work and tasks on Individual work, tests. It is also included the list of essential and supplementary literatures.

The educational and methodical complex is recommended to publish by educational and methodical council of Gulistan state university (the minute № 1. from 30.08.2012).

Responsible editor:
Reviewers:

c. phil. s. assistant pr. R. Mahmudov
d. phil. s. prof. Kh.Alikulov
c. ph. s. S.Ismailov

У. Мавлянов, Х. Усманова. Учебно-методический комплекс по предмету «Основы религии Ислама и духовность».– Гулистан 2013 г. 80 стр.

Учебно-методический комплекс предназначен для обучения студентов по направлений 5141500 – “Национальная идея, основы духовности и права”. В нем приведены рабочая программа, календарный план исполнения программы, рейтинговая разработка, критерии оценки, курс лекций, семинарские занятия, задания по самостоятельной работе, контрольные вопросы, тесты, основной и дополнительный список используемой литературы.

Учебно-методический комплекс утвержден и рекомендован к печати учебно-методическим советом Гулистанского государственного университета (протокол № 1. от 30.08.2012 г).

Ответственный редактор:
Рецензенты:

кан. фил. наук. доц. Р.Махмудов
док. фил. наук. проф. Х. Аликулов
к.ф.н. С. Исмаилов.

КИРИШ

Дин, жамият ва давлат муносабатлари ҳамма вақт долзарб бўлиб келган. Турли даврларда хилма-хил мазмун ва шакл касб этган бундай муносабатлар мустақил Ўзбекистон шароитида виждон эркинлиги конституциявий асосда тўлатўкис таъминлангани, диний ташкилотлар фаолияти учун тегишли шарт-шароитлар яратилганида намоён бўлмоқда.

Исломнинг моҳияти, унда илгари сурилган маънавият масалалари, исломдаги асосий оқимлар, фикҳий мазҳаблар, ақидавий таълимотлар ҳақида маълумотга эга бўлиш ҳам бугунги жараёнларнинг моҳияти, диний экстремизмнинг ғоявий илдизларини чуқурроқ англашга хизмат қилади. Буюк аجدодларимизнинг ислом илмлари ва маданияти ривожига юксак ўрнини англаб етиш эса бундай ғоя ва ҳаракатларнинг халқимизнинг бунёдкорлик ва бағрикенглик анъаналарига мутлақо зид эканини тушунишга кўмаклашади. Бу, ўз навбатида, замонавий мусулмон оламига хос хусусиятлар, исломнинг Ғарб дунёсида тарқалиши баробарида «исламофобия» намоён бўлишининг сабаблари ҳақида мулоҳаза юритишга ундайди.

Ушбу ўқув-услугий мажмуа 5141500 - Миллий истиқлол ғояси, ҳуқуқ ва маънавият асослари таълим йўналиши учун Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети қошидаги «Таълим» ўқув-методик бирлашмасида ишлаб чиқилган ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан 2007 йилнинг 9 феврилида тасдиқланиб, № БД-5141500-3,11_ рақами остида рўйхатга олинган намунавий дастур ва ўқув режасига мувофиқ тайёрланди. Унда кўрсатилган йўналиш бакалаврият даражасида таълим беришга мўлжалланган.

Республикамиз мустақилликка эришганидан сўнг озод мамлакатнинг озод кишиларини вояга етказиш, камол топтириш масаласи давримизнинг энг муҳим масалаларидан бири бўлиб қолди. Бу борада мамлакатимизда «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинди. Президентимиз томонидан баракамол авлодни шакллантириш концепцияси илгари сурилди. Бу жараёнда ижтимоий фанларга, маънавиятимизнинг ажралмас қисми бўлган динга, хусусан, ислом таълимоти ва амалиётига алоҳида масъулият юкланди. Курсни ўқитишдан асосий мақсад, Ватанимиз фуқароларини иймон-этиқодли, садоқатли ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, миллий ва умуминсоний исломий меросни ҳурмат билан ўрганиш ва тадқиқ этиш ва давримизнинг баркамол инсонларини шакллантиришдан иборатдир. Ўқув дастурига кўра, мазкур фанга 5141500 - Миллий истиқлол ғояси, ҳуқуқ ва маънавият асослари таълим йўналиши талабалари учун жами 86, шу жумладан: маърузаларга –14, семинар машғулотларига – 28, мустақил ишлаш соати – 44 ўқув соатга ажратилган. Шундан келиб чиқиб, Миллий истиқлол ғояси ва фалсафа кафедрасида «Ислом дини асослари ва маънавияти» фани юзасидан ишчи ўқув дастури тузилиб, шу асосида ўқув-услугий мажмуа тузилди. Унда маъруза матнидан ташқари амалий машғулотларни бажариш тартиби ва уларни бажариш бўйича методик тавсиялар, мустақил иш топшириқлари, назорат саволлари ва тестлар берилган.

Ўқув курсининг мақсади “Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими” йўналишида таҳсил олаётган талабаларни инсоният ва хусусан, р

Шарқ халқлари маънавий меросининг ажралмас бир қисми бўлган ислом таълимоти, унинг ўзбек миллий маънавиятининг шаклланишидаги ўрнини кўрсатиб бериш ва баҳолашдир.

Ўқув курсининг вазифалари талабаларга ислом динининг вужудга келиши, унинг манбалари ва асослари, тарихий ривожланиши, ислом тараққиётида Муҳаммад (ас) нинг ўрни ва аҳамияти, ислом динининг маънавий тараққиётдаги ўрни ва ролини кўрсатиб бериш, шунингдек, исломнинг Марказий Осиёга кириб келиши ва ўлка халқлари тарихида тутган ўрнини кўрсатиб беришдан иборатдир. Булардан ташқари мазкур ўқув курсини ўрганиш давомида талабалар исломдаги йўналиш ва оқимлар, шариат, фикҳ ва унинг усуллари, Марказий Осиёлик буюк аждодларимизнинг ислом тараққиётига қўшган ҳиссаси ва исломий ахлоқ ҳақида, мустақиллик йилларида ислом динига берилган эътибор ҳақида атрофлича маълумот оладилар.

Ўқув курси якунида талабалар ислом таълимоти, исломдаги йўналиш, мазҳаб ва оқимлар, ислом маънавиятининг асосий манбалари, миллий маънавиятимиз шаклланишида исломнинг тутган ўрни ҳақида тушунча, билим, ва малакага эга бўладилар.

Ўқув курсини ўрганишда талабалар Диншунослик, Маънавият асослари, Ўзбекистон тарихи, Ахлоқ, Фалсафа, Маънавият асослари, Тасаввуф этикаси каби фанлардан олган билимларига таянадилар.

Ўқув услубий мажмуага илова тарзида ҳар бир мавзуга оид тақдимотлар тайёрланган бўлиб, улар мавзу мазмунини кенгроқ очиб беришга кўмаклашади.

Ваъз мавзулари, кўриладиган масалалар ва вақт.

№	Мавзу	Кўриладиган масалалар	Вақт, соат
1	«Ислом дини асослари ва маънавияти» курсининг баҳс мавзуси.	1.Курснинг баҳс мавзуси. 2.Ўқув курсининг мақсади. 3.Ўқув курсининг вазифалари.	2
2	«Қуръон» - Ислом динининг муқаддас китоби.	1.«Қуръон»нинг яралиш тарихи. 2.Қуръон маънавияти. 3.Қуръон ва илм-фан.	2
3	Ҳадислар – ислом маънавиятининг манбаси.	1.Ҳадис илми. Ҳадисларнинг турлари. 2.Олти ишонали тўплам. («Саҳиҳи ситта») 3.Ҳадислар – маънавият негизи сифатида.	2

4	Исломнинг асосий ғоялари, урф-одатлари ва маросимлари.	1.Исломнинг асосий ғоялари. 2.Ислом урф-одатлари. 3.Исломий маросимлар.	2
5	Ислом динидаги йўналишлар, мазҳаблар ва оқимлари.	1.Исломдаги асосий йўналишлар. 2.Сунний мазҳаблар. 3.Эътироф этилмаган оқимлар.	2
6	Фикҳ – ислом қонуншунослиги.	1.Фикҳнинг моҳияти. 2.Фикҳ манбалари. 3.Фикҳ мактаблари.	2
7	Мустақиллик шароитида ислом динининг ўрни.	1. Мустақиллик ва динга муносабат. 2. Мустақиллик йилларида ислом алломалари юбилейларининг нишонланиши. 3. Ислом ғоявий ва мафкуравий тарбиянинг муҳим воситаси.	2
ЖАМИ:			14

Семинар мавзулари, кўриладиган масалалар ва вақт.

	Мавзулар	Кўриладиган масалалар	Вақт, Соат
	Ислом динининг вужудга келиши.	1. Ислом дини пайдо бўлиши арафасида Арабистон ярим оролидаги тарихий, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий вазият. 2.Ислом таълимотининг пайдо бўлиши ва ёйилиши. 3. Ислом давлатининг пайдо бўлиши.	2
	«Қуръон» - Ислом динининг муқаддас китоби.	1. «Қуръон»нинг яралиш тарихи. 2. Қуръон маънавияти. 3. Қуръон ва илм-фан.	2
	Исломнинг Мовароуннаҳрга кириб келиши.	1. Араблар Марказий Осиёга келишидан аввал мавжуд диний эътиқодлар. 2.Арабларнинг Марказий Осиёга кириб келиши. 3.Марказий Осиё маданияти, иқтисодиёти ва ижтимоий ҳаётига исломнинг таъсири.	2
	Ҳадислар – ислом маънавиятининг манбаси.	1.Ҳадис илми. Ҳадисларнинг турлари. 2.Машҳур муҳаддислар ҳаёти ва илмий фаолияти. 3.Ҳадислар – маънавият негизи сифатида.	2
	Ислом таълимоти ва маънавий ривожланишдаги ўрни.	1.Маънавият такомилида ислом босқичи. 2.Ислом маънавиятининг ўзига хос хусусиятлари. 3.Ислом ва ижтимоий тараққиёт.	2

	Исломнинг асосий ғоялари, урф-одатлари ва маросимлари.	1.Исломнинг асосий ғоялари. 2.Ислом урф-одатлари ва маросимлари. 3.Исломнинг Ўзбекистон халқлари ҳаётида тутган ўрни.	2
	Ислом динидаги йўналишлар, мазҳаблар ва оқимлари.	1.Исломдаги асосий йўналишлар. 2.Сунний мазҳаблар. 3. Шиалик мазҳаблари. 4.Эътироф этилмаган оқимлар.	2
	Фикҳ – ислом қонуншунослиги.	1.Фикҳнинг моҳияти. 2.Фикҳ манбалари. 3.Фикҳ мактаблари.	2
	Марказий Осиё мутафаккирларининг исломий мероси.	1.Марказий Осиёлик тафсиршунос олимлар. 2.Машҳур фақиҳ ва қонуншунослар. 3.Ҳадисшунос юртдошларимиз. 4.Марказий Осиёда тасаввуф тараққиёти.	2
0	Ислом ва ахлоқ.	1.Ислом ахлоқи манбалари. 2.Ислом комил инсон ахлоқи ҳақида. 3.Ислом илгари сурган ахлоқий ғоялар.	2
1	Исломда муомала, оила ва фарзанд тарбияси.	1.Ислом муомала маданияти тўғрисида. 2. Исломда никоҳ ва оиланинг муқаддаслиги. 3.Ислом ота-она ва фарзанд муносабати тўғрисида. Уларнинг бурч ва вазифалари.	2
2	Ўзбекистон Республикасида диний жамоалар.	1.Ўзбекистон Республикаси Конституциясида виждон эркинлигининг кафолатланиши. 2.Миссионерлик, прозелитаризм ва диний экстремизмнинг жамият тараққиётига салбий таъсири. 3.Хурфикрлилик тушунчаси. Фалсафа, фан ва илоҳиётда хурфикрлилик.	2
3	Миллий истиқлол ва илмий-фалсафий дунёқараш.	1.Миллий истиқлол ва маънавиятнинг ўзаро алоқадорлиги. 2.Борлиқ, жамият ва шахс ҳақидаги илмий таълимотларнинг янги давр кишини тарбиялашдаги аҳамияти. 3.Оламнинг илмий манзарасини яратишда табиий фанлар ва диний таълимотлар қарашлари.	2
4	Мустақиллик шароитида ислом динининг ўрни.	1. Мустақиллик ва динга муносабат. 2.Мустақиллик йилларида ислом алломаларининг юбилейларининг нишонланиши.	2

	3.Ислом ғоявий ва мафкуравий тарбиянинг муҳим воситаси.	
ЖАМИ:		28

Мустақил ҳолда ўрганиладиган мавзулар:

- 3.1.1. Ислом динининг эволюцияси.
- 3.1.2. Ислом динида илми ва илм аҳлини улуғлаш маданияти.
- 3.1.3. Инсон маънавий камолотида ислом дини.
- 3.1.4. Ислом ва тасаввуф илми.
- 3.1.5. Дунёвий давлатнинг динга муносабати.
- 3.1.6. Ислом тарихи ва маънавиятида халифалар ва буюк саҳобаларнинг ўрни.

Мустақил иш топшириқлари.

- 3.2.1. Ўзбекистондаги мавжуд исломга оид қадамжолар рўйхатини тузинг (камида 30 нафар).
- 3.2.2. «Ашаратул мубашшара» (Башорат қилинган ўнлик) рўйхатини тузинг.
- 3.2.3. Марказий Осиёлик муҳаддислар ва уларнинг асарлари каталогини тузинг.
- 3.2.4. Тасаввуфнинг «Уч олтин тариқат» асосчиларининг «силсилаи насаб» (генеология) ва «силсилаи заҳаб» (пир-мурид) лари рўйхатини тузинг.
- 3.2.5. Ўзбекистонда мавжуд диний конфессиялар рўйхатини тузинг (17 та).
- 3.2.6. Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган диний билим юртлари рўйхатини тузинг (12 та).

Рейтинг ишланмаси ва баҳолаш мезони:

Т.р	Назорат турлари	Назорат сони	Ажратилган балл	Жами
I.	ЖБ (Жорий баҳолаш)			40
	1.1. Семинар машғулотларига тайёргарлик.	14	2	28
	1.2. Мустақил иш топшириқлари.	6	2	12
	ОБ (Оралик баҳолаш)			30
II.	2.1. Ёзма иш	2	5	10
	2.2. Реферат	1	10	10
	2.3. Тест	2	5	10
III.	ЯБ (Якуний баҳолаш)			30
	3.1. Ёзма иш.	1	30	30
	Жами:			100

БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

1. Жорий баҳолаш бўйича:

1. Ҳар бир семинар машғулотига 2 балл ажратилган. Ҳар бир мавзу режа асосида тўла ёритиб берилган, тегишли адабиётлар ва ахборот ресурсларидан фойдаланилган ҳолда тайёрланган семинарнинг ҳажми ва сифати ҳисобга олинган ҳолда 1,5-2 балл билан баҳоланади. Агар семинар қисман ёзилган, аммо айрим жузъий камчиликларга йўл қўйилган бўлса, 1,0-1,5 балл; мавзу тўлиқ ёритилмаган, саволлар ўз ечимини топмаган бўлса 0,5-1,0 балл билан баҳоланади.

2. Мустақил иш топшириқларини олтита бўлиб, уларнинг ҳар бирига 2 баллгача олиш мумкин. Агар топшириқ тўла бажарилган бўлса, талабага 2 балл, тўла бажарилмаган бўлса 1 балл берилади.

3. Оғзаки сўров саволномаси ўқув курси бошида эълон қилинади ва талабалар унга тайёргарлик кўриб борадилар. Оғзаки сўров 1 марта ўтказилади: 13 семинардан кейин. Талбалар иккита саволга жавоб берадилар. Ҳар бир берилган жавобнинг мазмуни ва тўғрилигига қараб 2 баллгача берилади.

4. Тест топшириқларини бажариш. Талабалар бир марта тест топширадилар. Тест саволномаси (жавоб вариантларисиз) курснинг бошида тарқатилади. Тест кафедра компьютер синфида, махсус дастур асосида ўтказилади. 10 тест саволининг ҳар бир тўғри жавоби учун 0,5 баллдан, жами 5 балл тўплаш мумкин.

2. Оралиқ баҳолаш бўйича:

2.1. Ёзма иш вариантлар асосида 5 тадан савол берилади. Ҳар бир савол 1 баллгача баҳоланади.

2.2. Рефератда тавсия қилинган мавзу тўлиқ очилган, тўғри хулоса чиқарилган ва амалий таклифлари бўлса 9-10 балл, мавзу қисман моҳияти очилган, хулосаси бор бўлса 7-8 балл, мавзу моҳияти ёритилган лекин камчилиги бўлса 5 балл берилади.

2.3. Тест. Талабалар оралиқ баҳолаш бўйича тестни кафедра компьютер синфида, махсус дастур асосида топширадилар. 20 тест саволининг ҳар бир тўғри жавоби учун 0,4 баллдан, жами 5 балл тўплаш мумкин.

3. Якуний баҳолаш бўйича:

3. Якуний баҳолашда 3 саволдан иборат назорат саволларига ёзма иш шаклида жавоб берилади; ҳар бир жавоб 5 баллик тизимда баҳоланади (жами ёзма ишга 15 балл): агар жавоб тўлиқ, асосли ва илмий ёритилган, асосий тушунчаларга таъриф берилган бўлса, 4-5 балл берилади; жавоб тўлиқ, аммо асосий тушунча ва ибораларга таъриф берилмаган бўлса, 2-3 балл берилади; саволга жавоб қисман берилган, хато ва камчиликлар мавжуд бўлса, 1-2 балл берилади.

Эслатма: Талабанинг умумий балли ҳисобланганда яхлитлаб олинади.

КУРСНИ ЎЗЛАШТИРИШ УЧУН ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ

“Ислом дини асослари ва маънавияти” ўқув курси бўйича юқори илмий-педагогик даражада ташкил этилиши, муаммоли машғулотлар ўтказиш, дарсларни савол-жавоб тарзида ташкил қилиш, илғор педагогик технологиялардан ва мультимедиа қўлланмалардан фойдаланиш, талабчанлик, талабалар билан яқка тартибда ишлаш, эркин мулоқотга киришишга жалб қилиш ва бошқа тадбирлар таълим устуворлигини таъминлайди.

Курснинг мақсади. Талаба-ёшларда билим, кўникма ва малакалар тизимини таркиб топтириш ва шакллантириш.

Курсни ўқитишнинг вазифалари. Мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги вазифаларни бажариш лозим бўлади: талабаларга ислом динининг вужудга келиши, унинг манбалари ва асослари, тарихий ривожланиши, ислом тараққиётида Муҳаммад (ас) нинг ўрни ва аҳамияти, ислом динининг маънавий тараққиётдаги ўрни ва ролини кўрсатиб бериш, шунингдек, исломнинг Марказий Осиёга кириб келиши ва ўлка халқлари тарихида тутган ўрнини кўрсатиб беришдан иборатдир. Булардан ташқари мазкур ўқув курсини ўрганиш давомида талабалар исломдаги йўналиш ва оқимлар, шариат, фикҳ ва унинг усуллари, Марказий Осиёлик буюк аждодларимизнинг ислом тараққиётига қўшган ҳиссаси ва исломий ахлоқ ҳақида, мустақиллик йилларида ислом динига берилган эътибор ҳақида атрофлича маълумот бериш.

Шахсга йўналтирилган таълим. Ўз моҳиятига кўра таълим жараёнининг барча иштирокчиларини тўлақонли ривожланишларини кўзда тутди. Бу эса таълимни лойиҳалаштириладиганда, албатта, маълум бир таълим олувчининг шахсини эмас, аввало, келгусидаги мутахассислик фаолияти билан боғлиқ ўқиш мақсадларидан келиб чиққан ҳолда ёндашишга эътибор қаратишни амалга оширади. Ҳар бир талабанинг шахс сифатида касбий такомиллашувини таъминлайди. Таълимнинг марказига билим олувчи қўйилади.

Тизимли ёндашув. Таълим технологияси тизимнинг барча белгиларини ўзида мужассам этмоғи лозим: жараённинг мантикийлиги, унинг барча бўғинларини ўзаро боғланганлиги, яхлитлиги билим олиш ва касб эгаллашнинг мукамал бўлишига ҳисса қўшади.

Фаолиятга йўналтирилган ёндашув. Шахснинг жараёнли сифатларини шакллантиришга, таълим олувчининг фаолиятини жадаллаштириш ва интенсивлаштириш, ўқув жараёнида барча қобилият ва имкониятларни, ташаббускорликни очишга йўналтирилган таълимни ифодалайди. Эгалланган билимларнинг кўникма ва малакага айланиши, амалиётда татбиқ этилишига шароит яратади.

Ҳамкорликдаги таълимни ташкил этиш. Демократилик, тенглик, таълим берувчи ва таълим олувчи ўртасидаги субъектив муносабатларда ҳамкорликни, мақсад ва фаолият мазмунини шакллантиришда эришилган натижаларни баҳолашда биргаликда ишлашни жорий этишга эътиборни қаратиш зарурлигини билдиради. Таълим жараёнида “субъект-субъект” муносабатлари таркиб топади.

Муаммоли таълим. Таълим мазмунини муаммоли тарзда тақдим қилиш орқали таълим олувчи фаолиятини активлаштириш усулларидан бири. Бунда илмий билимни объектив қарама-қаршилиги ва уни ҳал этиш усулларини, диалектик мушоҳадани шакллантириш ва ривожлантиришни, амалий фаолиятга уларни ижодий тарзда қўллашни таъминлайди. Муаммоли савол, вазифа, топшириқ ва вазиятлар яратиш ва уларга ечим топиш жараёнида онгли, ижодий, мустақил фикрлашга ўргатилади.

Ахборотни тақдим қилишнинг замонавий воситалари ва усуллари қўллаш - ҳозирги ахборот коммуникация технология воситалари кучли ривожланган шароитда улардан тўғри ва самарали фойдаланиш, ахборотларни танлаш, саралаш, сақлаш, қайта ифодалаш кўникмалари ҳосил қилинади. Бу жараёнда компьютер саводхонлиги алоҳида аҳамият касб этади.

Ўқитиш методлари ва техникаси. Маъруза (кириш, мавзуга оид, визуаллаш), муаммовий усул, кейс-стади, пинборд, парадокслар, лойиҳа ва амалий ишлаш усуллари.

Ўқитиш воситалари: ўқитишнинг анъанавий воситалари (дарслик, маъруза матни, кўргазмали қуроллар, харита ва бошқалар) билан бир қаторда – ахборот-коммуникация технология воситалари кенг қўламда татбиқ этилади.

Коммуникация усуллари: тингловчилар билан оператив икки ёқлама (тескари) алоқага асосланган бевосита ўзаро муносабатларнинг йўлга қўйилиши.

Тескари алоқа усуллари ва воситалари: кузатиш, блиц-сўров, жорий, оралиқ ва якунловчи назорат натижаларини таҳлили асосида ўқитиш диагностикаси амалга оширилади.

Бошқариш усуллари ва тартиби: ўқув машғулотни бошқичларини белгилаб берувчи технологик харита кўринишидаги ўқув машғулотларини режалаштириш, қўйилган мақсадга эришишда ўқитувчи ва тингловчининг биргаликдаги ҳаракати, нафақат аудитория машғулотлари, балки аудиториядан ташқари мустақил ишларнинг назорати ҳам тартибли йўлга қўйилади.

Мониторинг ва баҳолаш: бутун курс давомида ҳам ўқитиш натижалари рейтинг тизими асосида назорат ва таҳлил қилиб борилади. Курс охирида ёзма иш ёрдамида таълим олувчиларнинг билимлари баҳоланади.

ЛЕКЦИЯЛАР КУРСИ

1-мавзу: «Ислом дини асослари ва маънавияти» курсининг баҳс мавзуси

Фанни ўқитиш технологияси: “Ислом дини асослари ва маънавияти” мавзусидаги маъруза машғулотининг технологик харитаси

Т /р	Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи шахс, вақт
1	Тайёрлов босқичи: 1.1 Дарс мақсади: талабаларни ўқув курсининг баҳс мавзуси, предмети мақсади ва вазифалари билан таништириш 1.2. Идентив мақсадлар: 1.2.1. “Ислом” атамасининг мазмун-моҳиятини, унинг Ўзбекистон ижтимоий ҳаётидаги ўрнини билади. 1.2.2. И А Каримов асарларида дин ва ислом ҳақида билдирилган фикрларни баён эта олади. 1.2.3. Ўқув курсининг мақсадини билади. 1.2.4. Ўқув курсининг вазифаларини ажрата олади. 1.3. Асосий тушунча ва иборалар: дин, ислом, исломнинг ёйилиши, диний ғоя, дин фалсафаси, ижтимоий тараққёт, жаҳон дини, пайғамбар. 1.4. Дарс шакли: гуруҳ ва микрогуруҳларда. 1.5. Фойдаланиладиган метод ва усуллар: суҳбат, маъруза-ҳикоя, баҳс, видеоусул. 1.6. Керакли жиҳоз ва воситалар: Кўргазмали куроллар, харита, тарқатма материаллар.	Ўқитувчи
2	Ўқув машғулоти ташкил қилиш босқичи: 2.1. Мавзу эълон қилинади. 2.2. Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади.	Ўқитувчи, 15 минут
3	Гуруҳда ишлаш босқичи: 3.1. Талабаларга муаммоли савол беради. 3.2. Талабалар фикри эшитилади, бошқа талабалар баҳсга чақирилади. 3.3. Умумий хулосалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади. 3.4. Умумий хулосага келинади.	Ўқитувчи-талаба, 40 минут
4	Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи: 4.1. Берилган маълумотни талабалар томонидан ўзлаштирилганини аниқлаш учун қуйидаги саволлар берилади: - Ислом динининг шаклланиши заруруятини қандай тушунасиш? - Мустақиллигимизни мустаҳкамлашда дин ва ислом феноменидан фойдаланишнинг ўрнини асослайсиз? 4.2. Энг фаол талабалар (баҳолаш мезони асосида) баҳоланади.	Ўқитувчи, 15 минут
5	Ўқув машғулоти яқунлаш босқичи: 5.1. Талабалар билими таҳлил қилинади. 5.2. Мустақил иш топшириқлари берилади. 5.3. Ўқитувчи ўз фаолиятини таҳлил қилади ва тегишли ўзгартиришлар киритади.	Ўқитувчи, 10 минут

Асосий саволлар:

1. Ислом дини асослари ва маънавияти курсининг баҳс мавзуси.
2. Ислом ва ҳозирги замон.
3. Ислом дини асослари ва маънавияти курсининг мақсади ва вазифалари.

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:

Маънавият, дин, диний туйғу, диний амалиёт, дунё динлари, диннинг функциялари, ислом дини, ислом дини асослари, ислом маънавияти.

1-савол бўйисча дарс мақсади: талабаларга ислом дини асослари ва маънавияти курсининг баҳс мавзуси, мақсади ва вазифалари, дунёвий давлатнинг динга муносабати ҳақида тушунча бериш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- 1.1. Курснинг баҳс мавзусини тушунтира олади;
- 1.2. Курснинг бошқа фанлар билан алоқаси ҳақида сўзлаб беради;
- 1.3. Курснинг мақсади ва вазифаларини билади.

1-асосий саволнинг баёни:

XX аср инсоният тарихида туб бурилишлар, моддий ва иқтисодий ривожланиш, маданий юксалиш, икки жаҳон уриши, атом, коинот, экологик бўҳронлар асри ва бошқа номлар билан кирди. Шу билан бирга мазкур туб бурилишлар заминида инсоният тарихининг ўзига хос, бошқа давр ва маконларда кузатилмаган ёхуд унчалик сезилмаган маънавийликка, маънавий асосларга қайтиш, эски социомаданий қадриятлар тизимини ислоҳ этиш ва янгиларини жорий қилишга бўлган интилишлар юзага келди ва келмоқда.

Мана шундай бурилишлардан бири сифатида дин ва диний қадриятларни, уларга бўлган муносабатни қайта кўриб чиқиш, ислоҳ этиш ва тиклашга бўлган уринишлар ҳам сезилмоқда. Бу уринишлар нафақат ҳар бир миллат, ҳар бир шахснинг ўзи эътиқод қилаётган дини, балки бошқа миллий ва жаҳон динларини ҳам ўрганиш, уларнинг асосий ғоялари, тамойиллари ва динамикасини кузатиш билан ҳам намоён бўлмоқда. Зеро, президент И.А.Каримов тўғри таъкидлаганидек, «Дин давлатдан ажратилгани билан, жамиятдан ажратилган эмас». Шу жумладан, минтақамизда асрлар давомида эътиқод этиб келинган ислом дини таълимоти, асослари, унинг инсоният маънавий юксалишида тутган ўрнини тўғри баҳолашга ҳам эътибор кучайди.

Ўтган асрда юқоридагилардан ташқари, бутун дунёда ўзига хос «исломий портлаш», «исломий уйғониш» жараёнлари сезиларли тарзда кучайди ва бу жараёнлар давом этмоқда. Айниқса, анъанавий ноисломий ҳудудларда – Европа мамлакатлари, Америка ва Африка, Жанубий-Шарқий Осиё мкамлакатларида исломга бўлган қизиқишнинг ортиб бориши, аҳолининг кўплаб қисми ўзининг маънавий оламини ислом билан бойита бораётганлиги ўта қизиқарли ва ўзига хос ҳолатдир. Жумладан, Франциянинг 6-7% туб француз аҳолиси ўзини мусулмон санаётганлиги, Англияда Жонлардан кўра Мухаммадлар кўпроқ туғилаётганлиги,

дунёга машхур кишиларнинг аксарияти исломни қабул қилаётганлиги фикримизнинг исботидир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, биз ўқув курсимиз давомида ислом таълимотининг асосий ғоялари, унинг умуминсоний, қолаверса, ўзбек миллий маънавияти шаклланишига кўрсатган таъсири тўғрисида маълумотга эга бўламиз. Мазкур ўқув курси ислоҳиёт ёхуд шўролар давридагидек «қуролланган атеизм» нуқтаи назаридан эмас, балки илмий холислик, анализ ва синтез, таққослаш, тарихийлик, мантикийлик каби илмий билиш усулларида фойдаланган ҳолда ислом таълимотининг асослари, унинг динамикаси, маънавияти тўғрисида билим оладилар. Президент И.А.Каримов таъкидлаганидек, «Инсоният мураккаб жараёни бошидан кечириётган ҳозирги даврда диннинг турли халқлар ўртасида мулоқот ўрнатиш; уларни маънавий ва руҳий жиҳатдан яқинлаштириш, зулм ва зўравонликка қарши биргаликда курашга даъват этиш борасидаги аҳамияти бекиёсдир».

Муҳокама учун саволлар:

1. Ислом Каримовнинг «Дин давлатдан ажратилгани билан жамиятдан ажратилган эмас» сўзларининг маъносини қандай тушунасиш?

2. Ғарб мамлакатларида, айниқса, ривожланган мамлакатларда исломга бўлган қизиқишнинг ортиб бораётганлигининг асосий сабаблари нимада деб ўйлайсиз? Фикрларинигизни асослаб беришга ҳаракат қилинг.

2-савол бўйича дарс мақсади: Талабаларга ислом атамасининг мазмун-моҳияти ҳақида, исломнинг тарқалишидан аввалги Арабистон ярим оролидаги тарихий, ижтимоий-сиёсий вазият тўғрисида, исломнинг ҳозирги тарқалган ҳудудлари ва исломга эътиқод этувчи мамлакатлар тўғрисида маълумот бериш.

Идентив ўқув мақсадлари:

2.1. «Ислом» атамасини маъносини билади;

2.2. Ислом пайдо бўлиши арафасидаги Арабистон ярим оролидаги ижтимоий-сиёсий ҳаётга баҳо бера олади;

2.3. Исломнинг тарқалиш ҳудудларини ажрата олади;

2.3. Президентнинг ислом ҳақидаги фикрларини баён эта олади.

2-асосий саволнинг баёни:

Ислом оламида ўзининг илмий салоҳияти билан доврўғ солган аждодларимиз маънавий мероси туфайли мусулмон дунёси халқимизга алоҳида эҳтиром билан қарайди. 2007 йилда Тошкент шаҳри таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом ташкилоти – АЙСЕСКО (ISESCO) томонидан “Ислом маданияти пойтахти” деб элон қилиниши қувончли воқеа бўлди. Шу мунособат билан юртбошимиз: “Шахсан менга бундай холис ва ҳаққоний баҳодан, аввало, юртимиз заминида яшаб ўтган мутафаккир боболаримиз, улуғ алломалар ва азиз зотлар муборак руҳлари шод бўлаётгандек

туюлади»¹, - деб айтган фикрлари бутун Ўзбекистон халқи дилидаги гапдир. Исломий маънавиятга шўро даврида ҳам эътибор сусаймаган эди, аммо буни очик - ошкор кўрсатиш мумкин эмас эди.

Ёш авлодни баркамол шахс сифатида шакллантириш ишида исломий кадриятлардан ажралган ҳолда ютуққа эришиш мумкин эмас. Чунки, бу ёруғ дунёга кўз очиб келган кунимизданоқ қулоғимизга азон айтилади, исм қўйилади ва Аллоҳ розилиги учун ақиқа маросими ўтказилади. Эндиликда, турли тазйиқ ва дашномлардан холи, эркин ҳаёт кечира олиш саодатига муяссар бўлган вақтимизда ислом уламолари маънавий меросини ўрганиб, уни ҳаётга татбиқ этиб, кундалиқ ҳаётимиз дастурул – амалига айлантириш даври келди. Президентимиз айтганидек, “бугунги кунда биз ворис бўлган ана шу моддий ва маънавий меросни замон талаблари асосида кенг ва атрофлича ўрганиш, тадқиқ этиш, ундан халқимизни баҳраманд қилиш масаласига Ўзбекистон раҳбарияти ва жамоатчилиги алоҳида аҳамият бериб келаётганлигини таъкидлаш лозим»²

«Ислом» атамаси араб тилидан олинган бўлиб, ўзбек тилига «итоат, бўйсунуш, Аллоҳга ўзини топшириш» деб таржима қилинади. Ислом дунёда кенг тарқалган уч дунё динларидан бири ва пайдо бўлишига кўра энг ёшидир. Ислом динига эътиқод қилувчилар арабчада муслим (бўйсунган, садоқатли) деб аталади. Ҳозирги кунда жаҳонда 1,4 млрд. киши исломга эътиқод қилиб, жаҳон динлари ичида уларнинг сони бўйича ислом иккинчи ўринни эгаллайди.

Маълумки, ҳозирги кунда ҳам, ўтмишда ҳам бизнинг халқимиз тарихида Ислом дини катта ўрин тутган. Бу ҳақда Президент И.Каримов шундай дейди: «Айтмоқчиманки, биз ўз миллатимизни мана шу муқаддас диндан айри ҳолда асло тасаввур қила олмаймиз. Диний кадриятлар, исломий тушунчалар ҳаётимизга шу қадар сингиб кетганки, уларсиз биз ўзлигимизни йўқотамиз. Хоҳ ёш бўлсин, хоҳ кекса бўлсин, ҳар бир ўзбек нимагаки муносабат билдирмасин, албатта уни беихтиёр яратгувчининг номи билан боғлайди» (И.Каримов Аллоҳ қалбимизда, юрагимизда. Т.: 1999. 5-б.).

Исломда пайғамбар сифатида эътироф этилган Қурайш қабиласининг Ҳошимийлар хонадонидан бўлган Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ислом таълимоти шаклланишида муҳим рол ўйнаган.

Диний назарияда ислом Аллоҳ томонидан юборилган сўнгги мукаммал дин эканлиги, Қуръон Аллоҳнинг мўъжиза каломи бўлиб, Муҳаммад пайғамбарга ваҳий тарзида тушган, тиловати ибодат ҳисобланувчи китоб, деб тушунилган.

Мусулмонларнинг 2/3 қисмидан кўпроғи Осиёда яшайдилар, улар қитъа аҳолисининг 20%дан ортиқроғини ташкил этадилар³. Мусулмонларнинг 30%дан ортиқроғи Африка яшайдилар. Бу эса қитъа аҳолисининг ярмини ташкил этади. Дунёда мусулмон жамоалари мавжуд бўлган 120 дан ортиқ мамлакатнинг 40 дан зиёдида мусулмонлар аҳолининг кўпчилигини ташкил қилади. Шимолий Африка, Ғарбий Осиёнинг барча мамлакатларида (Кипр, Ливан, Исроил булардан мустасно), Сенегал, Гамбия, Нигер, Сомали, Афғонистон, Покистон, Бангладеш, Индонезия ва бошқа мамлакатларда аҳолининг 80% дан ортиғи мусулмонлардир.

¹ Каримов И. А. «Ўзбек халқининг ислом маданияти ривожига қўшган бекиёс ҳиссасининг юксак эътирофи.» “Туркистон пресс” нодавлат ахборат агентлиги муҳбирига берилган интервью. “Ислом нури” газетаси. 2007 йил 16 март.

² Ўша жойда.

³ Ислом. Энциклопедия. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашрети, 2004.113-б.

Бир қанча мамлакатларда мусулмон жамоаси аҳолининг ярмидан 80%гача миқдорни ташкил этади (Гвинея, Мали, Ливан, Чад, Судан). Малайзия ва Нигерияда қарийб ярми, баъзи бир мамлакатлар (Гвинея-Бисау, Камерун, Буркина-Фасо, Сьерра-Леоне ва б.)да мусулмонлар озчиликни ташкил этса ҳам, таъсири кучлидир⁴. Мусулмонларнинг сони жиҳатда энг йирик давлатлар – Индонезия, Покистон, Ҳиндистон ва Бангладеш; мусулмонларнинг анчаси Марказий Осиё мамлакатлари, Хитой, Таиланд, Кипрда, Европанинг айрим мамлакатлари, (Югославия, Албания, Буюк Британия, Германия, Франция ва б.), Шимолий ва Жанубий Америка қитъаси мамлакатларида, Австралияда, Фиджи оролида яшайдилар.

Эътиқод этувчиларнинг сонига кўра ислом иккинчи ўринда (наصريликдан кейин) турса-да, ўсиш суръатлари, демографик динамика кўрсаткичлари мусулмонларнинг асримиз ярмигача биринчи ўринга чиқишларини кўрсатмоқда. Бундай ҳолат эса ривожланишнинг маълум бир босқичида турган озод ватанимиз тараққиётида ислом феноменидан фойдаланиш ижобий натижалар бериши мумкинлигини кўрсатади. Бежизга миллий истиқлол мафкурасининг асосий ғояларидан бири этиб диний бағрикенглик ғояси танланмаган. Ислом эса, анъанавий бағрикенглик ва толерантлик динидир.

Исломнинг 1400 йиллик тарихий ривожланиши даврида сўнгги бир ярим аср – XIX асрнинг бошидан XX асрнинг иккинчи ярмигача бўлган эволюцияси бурилиш нуқтаси бўлганлиги кўплаб тадқиқотчилар томонидан эътироф этилмоқда⁵. Шарқ мамлакатларининг ижтимоий-иқтисодий тузилишидаги ўзгаришлар, янги-миллий буржуазия қатламининг шаклланиши, миллий-озодлик руҳидаги ҳаракатларнинг ривожланиши, миллий мустақиллик, ҳуқуқий демократик давлатчилик анъаналарини ўрнатишга бўлган уринишлар (шўролар даврида авж олган марксизм-ленинизмни мажбурий «экспорт» қилинишга қарши ўлароқ) дунё ҳамжамиятининг диққат марказига исломнинг жамиятдаги ўрни ҳақидаги масалаларни кўриб чиқишга мажбур қила бошлади.

Муҳокама учун саволлар.

1. Исломнинг араблар ўртасида тезлик билан тарқалишининг асосий сабабларини кўрсатиб беринг.
2. Ислом энг кўп мамлакатлар Африка ва Осиёда жойлашган. Бунинг сабаби нимада деб ўйлайсиз?
3. Маълумки, Европа мамлакатларида исломнинг тарқалиши асосан Шарқий Европа ва Франция ҳудудига тўғри келади. Бундай ҳолатни қандай шароитлар юзага келтирган?

3- савол бўйича дарс мақсади: Талабаларга Ислом дини асослари ва маънавияти курсининг мақсади ва вазифаларини тушунтириб бериш.

⁴ Ислам в современной политике стран зарубежного Востока. М-1986, стр.13-14

⁵ www.usnews.com/usnews.com/usnews/issue/980720/20isla.htm

Идентив ўқув мақсадлари:

- 3.1. Курснинг мақсадини билади;
- 3.2. Курснинг вазифаларини санай олади;
- 3.3. Курснинг назарий ва амалий аҳамиятини билади.

3-асосий саволнинг баёни:

Маълумки, жамиятимизда туб ислохотлар ва ўзгаришлар жараёни мустақиллик йилларида айниқса сезиларли тус олди. Мавжуд ислохотлар ва ўзгаришларнинг пировард мақсади эса «озод ва обод Ватан, эркин ва фарвон ҳаёт» қуришдир. Мазкур мақсадни амалга ошириш борасида маънавий ҳаётнинг, хусусан, таълим тизимининг ўрни беқиёс эканлиги эътироф этилгандир. Шунинг учун мамлакатимизда «Таълим тўғрисидаги» қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қабул қилинган. Ундан кўзланган мақсад эса маънавий етук, баркамол шахсни тарбиялаб вояга етказишдир.

Баркамол шахс эса бошқа жиҳатлар билан бир қаторда маънавий ва ахлоқий етуклик даражасига эришиши лозим. Диннинг, хусусан, исломнинг маънавий юксалишда, ахлоқий баркамолликда аҳамиятли эканлигида келиб чиқиб битирувчи курсда йўналишимиз талабаларига «Ислом дини асослари ва маънавияти» фани дарс сифатида режага киритилган.

«Ислом дини асослари ва маънавияти» курсининг мақсади Ислом динини илмий жиҳатдан ўрганиш ва тадқиқ этиш, талабаларга ислом динига нисбатан тўғри муносабатни шакллантириш, ислом маънавияти асосларини илмий жиҳатдан ўрганиш, унинг шахс камолотига таъсирини баҳолаш, талабаларни ватанпарварлик ва инсонпарварлик руҳида тарбиялаш, уларда диний бағрикенглик ғоясини шакллантиришдан иборатдир. Юқоридаги мақсаддан келиб чиқиб, ўқув курси ўзининг олдида қуйидаги вазифаларни кўяди:

- Қуръон ва ҳадисларни илмий тадқиқ этиш;
- Пайғамбар Муҳаммад (ас)ни ҳаёти ва фаолиятини таҳлил қилиш;
- Қуръон ва ҳадисларнинг инсон маънавий шаклланишидаги ўрнини белгилаш;
- исломнинг асосий ғоялари, урф-одат ва анъаналари, унинг маросимларини тадқиқ ва таҳлил қилиш;
- дунёвий давлатнинг динга муносабатини ўрганиш;
- ислом йўналишлари, оқимлари ва мазҳабларини, шунингдек, эътироф этилмаган секта ва оқимларни ўрганиш;
- Марказий Осиё мутафаккирларининг ислом тараққиётидаги ўрнини баҳолаш;
- ислом маънавияти ўчоқлари, уларнинг исломдаги ўрнини белгилаш;
- мустақиллик йилларида Ўзбекистонда ислом ва умуман динга муносабатнинг тубдан ўзгарганлигини кўрсатиш;
- талабаларда диний экстемизм ва фундаментализмга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш.

Демак, ўқув курсимиз ўзининг олдида юқоридаги ва бошқа вазифаларни бажаришни мақсад қилиб қўяди.

“.... Диний – маърифий қадирятларимизни ўрганиш, асраш ва ҳимоя қилиш, шу асосда ёш авлодимиз қалби ва онгига эзгу ғояларни сингдириш бўйича олиб бораётган амалий ишларимиз жамоатчиликка маълум”⁶.

Талабалар ушбу ўқув курсини тугатганларидан сўнг:

- Ҳозирги замон оламшумул ва минтақавий муаммоларини ҳал этишда диннинг маънавий имкониятлари;
- Маънавий камол топишда диннинг тутган ўрни;
- Диний таълимотнинг маънавий ақидалари ва ахлоқий кўрсатмалари;
- Тинчлик, барқарорлик ва миллатлараро ҳамжиҳатликни сақлашда маънавий ғояларнинг аҳамияти;
- Инсонни камол топтириш ва жамиятни ривожлантиришда ислом дини маънавиятининг ўзига хос ўрни;

Толерантлик, ўзга динларга бағрикенглик билан муносабатда бўлиш кабиларни билиши ва амалиётга татбиқ эта олишлари керак. Шу билан бирга диннинг маънавий ғояларини танқидий баҳолаш ва таҳлил қилиш, миллий истиқлол ғоясини диний қадирятлар асосида тарғиб қилиш, диннинг маънавий асосларидан тарбия воситаси сифатида фойдалана билиш тажрибасини ўзлаштиришлари мақсад қилиб қўйилган.

Муҳокама учун саволлар:

1. Истиқлол ғояларини шакллантиришда ислом феноменидан фойдаланиш қандай натижалар беради, деб ўйлайсиз?
2. Сизнингча, мустақиллик йилларида исломга нисбатан муносабатнинг ўзгаришининг асосий сабаблари нимада?

Адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. «Ўзбек халқининг ислом маданияти ривожига қўшган бекиёс ҳиссасининг юксак эътирофи». “Туркистон пресс” нодавлат ахборат агентлиги мухбирига берилган интервью. “Ислом нури” газетаси. 2007 йил 16 март.
2. Каримов И. Аллоҳ қалбимизда, юрагимизда. Т.: Ўзбекистон. 1999.
3. Жўраев У., Саиджонов И. Дунё динлари тарихи. Т.: 1998.
4. Ислом. Энциклопедия. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашрети, 2004.
5. Ислам в современной политике стран зарубежного Востока. М. : 1986.
6. www.usnews.com/usnews.com/usnews/issue/980720/20isla.htm
7. Ислом зиёси ўзбегим сиймосида. ТИУ. 2005 йил.

⁶ Каримов И. А. «Ўзбек халқининг ислом маданияти ривожига қўшган бекиёс ҳиссасининг юксак эътирофи.» “Туркистон пресс” нодавлат ахборат агентлиги мухбирига берилган интервью. “Ислом нури” газетаси. 2007 йил 16 март.

2-мавзу: «Қуръон» – ислом динининг муқаддас китоби

Фанни ўқитиш технологияси: “Қуръон-ислом динининг муқаддас китоби” мавзусидаги маъруза машғулотининг технологик харитаси

Т /р	Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи шахс, вақт
1	Тайёрлов босқичи: 1.1 Дарс мақсади: Талабаларга Қуръон, унинг пайдо бўлиши, китоб ҳолига келтирилиши тарихи, ислом тарихи ва тараққиётида Қуръоннинг ўрни ва аҳамияти, унинг маънавият тараққиётидаги ўрни, “Усмон Мусхафи” ва унинг тарихи, Қуръоннинг илм ва фанга муносабатини тушунтириб бериш. 1.2. Идентив мақсадлар: 1.2.1. “Қуръон” атамаси, унинг шаклланиш тарихи тўғрисидаги дин ва фан фикрларини тушунтира олади.. 1.2.2. “Қуръон”нинг маънавият шаклланишидаги ўрнини изоҳлайди 1.2.3. “Усмон Мусхафи”нинг тарихини билади. 1.2.4. “Қуръон”нинг илм-фанга муносабатини билади 1.3. Асосий тушунча ва иборалар: Қуръон, оят, сура, калом, тафсир, Қуръоннинг нозил бўлиши, Мусхаф, Сухуф, Қуръонда маънавият масалалари, Қуръоний илмлар, ислом ва илмий билимлар. 1.4. Дарс шакли: гуруҳ ва микрогуруҳларда. 1.5. Фойдаланиладиган метод ва усуллар: суҳбат, маъруза-ҳикоя, баҳс, видеоусул. 1.6. Керакли жиҳоз ва воситалар: Кўргазмали қуроллар, харита, тарқатма материаллар.	Ўқитувчи
2	Ўқув машғулотни ташкил қилиш босқичи: 2.1. Мавзу эълон қилинади. 2.2. Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади.	Ўқитувчи, 15 минут
3	Гуруҳда ишлаш босқичи: 3.1. Талабаларга муаммоли савол беради. 3.2. Талабалар фикри эшитилади, бошқа талабалар баҳсга чақирилади. 3.3. Умумий хулосалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади. 3.4. Умумий хулосага келинади.	Ўқитувчи -талаба, 40 минут
4	Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи: 4.1. Берилган маълумотни талабалар томонидан ўзлаштирилганини аниқлаш учун қуйидаги саволлар берилади: -“Қуръон” ҳақида дин ва фан қандай фикрда? Сиз-чи? -“Қуръон”нинг китоб ҳолига келтирилиши ҳақида нималар биласиз? -“Қуръон” ва унинг ғоялари миллий маънавиятимизга қандай таъсир қилган? -“Қуръон” илм-фанга қандай муносабатда бўлади? -“Усмон Мусхафи” ҳақида нималар биласиз? 4.2. Энг фаол талабалар (баҳолаш мезони асосида) баҳоланади.	Ўқитувчи, 15 минут
5	Ўқув машғулотини якунлаш босқичи: 5.1. Талабалар билими таҳлил қилинади. 5.2. Мустақил иш топшириқлари берилади. 5.3. Ўқитувчи ўз фаолиятини таҳлил қилади ва тегишли ўзгартиришлар киритади.	Ўқитувчи, 10 минут

Асосий саволлар:

- 1.«Қуръон»нинг яралиш тарихи.
- 2.Қуръон маънавияти.
- 3.Қуръон ва илм-фан.

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:

Қуръон, оят, сура, калом, тафсир, Қуръоннинг нозил бўлиши, Мусхаф, Сухуф, Қуръонда маънавият масалалари, Қуръоний илмлар, ислом ва илмий билимлар.

1-савол бўйича дарс мақсади: Талабаларга исломнинг муқаддас манбаси бўлган Қуръоннинг яралиши тарихи ҳақида билимлар бериш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- 1.1. «Қуръон» атамасининг мазмунини билади.
- 1.2. Қуръоннинг нозил бўлиши ҳақида маълумотларга эга бўлади.
- 1.3. Қуръоннинг шаклланиши тарихини баҳолай олади.
- 1.4. Қуръоннинг тузилишини билади.

1-асосий саволнинг баёни:

«Қуръон» сўзи – арабча ўқимок, қироат қилмоқ, жамлаш маъноларини англатади. У мусулмонларнинг асосий муқаддас китоби саналади. Қуръон ўзидан олдин нозил бўлган барча илоҳий китобларнинг маъно, ҳикмат ва аҳкомларини ўзида жамлаганига ишорат бордир. «Улумул Қуръон» илми уламолари Қуръонни қуйидагича таърифлайдилар: «Қуръон – Аллоҳ Таолонинг Муҳаммад (сав)га ваҳий орқали нозил қилган, тавотур ила нақл қилинган, ибодатда ўқиладиган, ожиз қолдирувчи каломдир».

Қуръон Аллоҳ томонидан ўз пайғамбари Муҳаммад (сав)га туширилган ваҳий бўлиб, у зотдан бизгача сон-саноксиз кишилардан нақл орқали етиб келган ва самовий китобларнинг охиргиси ҳисобланади. Ваҳий эса Аллоҳ таолонинг ўз пайғамбарларига юборган диний кўрсатмаларидир. У фаришталар орқали юборилиши ёки бевосита Аллоҳ билан роз айтиш воситаси билан бўлиши мумкин. Пайғамбаримиз Муҳаммад (сав) тажрибаларида эса ваҳий қуйидагича кечган:

- биринчи ваҳий туш орқали келган ;
- фаришталар ўзи кўринмай туриб пайғамбар калбларига керакли нарсаларни етказганлар;
- ваҳий кўнғироқ овозидек жаранглаб, қулоқларига чалинган;
- Жаброил фаришта пайғамбаримизга одам шаклида кўринганлар;
- Фаришта ўз қиёфасида пайғамбаримизга кўринган ва ваҳийни етказган;
- Аллоҳ таоло Меърож кечасида бевосита ваҳий қилган.

Қуръоннинг нозил бўла бошланишини дин тарихида Муҳаммад (сав)нинг пайғамбарлик фаолиятининг бошланиши билан боғлайдилар. Макка яқинидаги Ҳиро ғорида пайғамбаримиз ибодат қилаётганларида «Алақ» («Иқро») сурасининг биринчи беш ояти нозил бўлган ва кейинги 23 йиллик умрлари давомида «туғилган». Қуръоннинг бунчалик узоқ давр давомида нозил бўлишининг ўз

сабаблари бор. Улардан энг кенг тарқалгани – у жамиятнинг мавжуд ғоялари, ундаги бузуқликларни тузатиб борган. Бу жараён эса бирданига содир бўлмайди. Шу сабабли жамият мафкурасининг ўзгариб бориши билан Қуръон суралар у ёки бу масалаларни ечиб беришни давом эттирган.

Қуръон – суралардан тузилган. Сура – Қуръоннинг бир бўлаги бўлиб, уч ёки ундан ортиқ оятлардан ташкил топган. Қуръонда 114 сура бўлиб, ҳар бирининг ўз номи бор. Бу номлар унинг дастлабки сўзларидан ёки мазкур сурада кўпроқ эътибор қаратилган масала юзасидан олинган. «Сура» сўзи луғатда кўрғон, манзил ва шараф маъноларини беради. Уламолар истилоҳида эса сура - Қуръон оятларининг бошланиш ва тугаши белгиланган мустақил тоифасидир. Бошқача қилиб айтганда, Қуръон оятларининг кўрғон қилиб ўралгандек бир тоифасига сура дейилади. Қуръон сураларининг энг қисқаси Кавсар сураси бўлиб, уч оятдан, энг узун эса Бақара сураси бўлиб, 286 оятдан иборатдир. Қуръон суралари икки қисмдан иборат:

1. Пайғамбаримизнинг ҳижрат қилишидан аввал нозил бўлган суралар – Маккий суралар. Улар Қуръон ҳажмининг 63% ини ташкил этиб, 4780 оятдир.

2. Пайғамбаримизнинг Мадинага ҳижрат қилганларидан кейин нозил бўлган суралар – Мадиний суралар. Улар Қуръон ҳажмининг 37% ини ташкил этиб, 1456 оятдир.

Маълумки, пайғамбаримиз ўқиш-ёзишни билмаганлар, у киши оятларини фариштадан эшитиб, ёд олганлар, кейин саҳобаларга айтиб берганлар. Бошқа мусулмонлар ҳам Қуръон оятларини ёд олганлар, айрим саводли кишиларгина уларни лойга, хурмо пўстлоғига, ясси тошларга, ҳайвон суяги ёки терисига оятларни ёзиб қўйганлар.

Пайғамбар ҳаётлик даврларида яна Қуръон оятлари нозил бўлиб қолишидан умидвор бўлганликларидан мусулмонлар уни ягона китоб шаклига келтирмаганлар, унинг оятлари ёзилган нарсаларда ва саҳобаларнинг ёдларида сақланган. Халифа Абу Бакр даврида Қуръонни ёд билувчи кишиларнинг кўплари жангларда шаҳид бўла бошладилар. Қуръон матнига зарар етишидан хавфсираган саҳобалар уни ягона китоб шаклига келтиришни маслаҳат қилдилар. Бунга тўғри тушунган Абу Бакр Заид ибн Собит исмли саҳобага мазкур ишни топширди. Заид ва Умар машаққатли уринишлардаен сўнг Қуръоннинг ягона матнини кийик терисига битдилар, уни Абу Бакрга топширдилар. Унинг вафотидан сўнг мазкур тўплам – «Суҳуф» - саҳифалар ҳазрати Умарнинг уйларида, у кишининг вафотларидан сўнг эса қизлари, пайғамбарнинг аёллари Ҳафсанинг уйларида сақланган.

Вақт ўтиши билан ислом давлатининг кенгайиб бориши, кўплаб араб бўлмаган халқлар орасидан исломнинг тезлик билан тарқалиши натижасида Қуръоннинг ўқилишида турли келишмовчиликларни келтириб чиқара бошлади. Бу ҳолатни тўғри таҳлил қилган халифа Усмон Ҳафсадан Абу Бакр давридаги саҳифаларни сўраб олиб, ундан 6 нусха кўчиртирган. Нусхалар тайёр бўлганидан кейин мусулмонлар яшайдиган ўлкалардаги марказий шаҳарларга биттадан нусхага биттадан қорини қўшиб жўнатилган. Ҳаммага Қуръонни кўчиришда албатта мазкур нусхадан кўчириш ва шу қоридан ўқишни ўрганиш шарти қўйилган. Ҳар бир қорига бир нусхадан Қуръон топширилиб, фақат уларнинггина

усулида қироат қилиниши шарт қилинган, яъни устоз қори сифатида Абдуллох ибн Соиб Маккага, Муғийра ибн Шихоб Шомга, Абу Абдурахмон Сомий Куфага, Амир ибн Абдулқайс Басрага юборилиб, Зайд ибн Собит эса Мадинада қолган. Бир мусхаф эса Усмонда қолди ва бу китоб «Имом Мусхаф» деб номланди.

Кейинчалик Қуръон ўқилишида янада аниқликка эришиш мақсадида, араб грамматикасининг сўнгги ютуқларига амал қилган ҳолда халифа Али амрига кўра олим Абу Асвод ад-Дуали томонидан саҳифалар, ҳарфлар нуқталаб чиқилди.

Ҳар бир мусулмон киши ўзига керакли миқдорда Қуръон сураларидан ёд олиши фарзи айн, уни тўлиқ ёд олиш фарзи кифоя саналади. Кўпгина уламоларнинг маълумотларига қараганда, Қуръон 114 сура ва 6236 оятдан иборат.

Муҳокама учун саволлар:

1. Қуръоннинг нозил бўлиши ҳақида нимлар биласиз?
2. Қуръон тузилишини таҳлил қилинг.
3. Қуръоннинг ўзбек тилига қилинган таржималари ва шарҳлари тўғрисида маълумотлар тўпланг ва уларни таҳлил қилинг.

2-асосий савол бўйича дарс мақсади: Талабаларга Қуръон илгари сурган маънавият масалалари тўғрисида маълумотлар бериш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- 2.1. Қуръон илгари сурган комил инсонга таъриф беради.
- 2.2. Қуръон илгари сурган маънавият масалаларини билади.
- 2.3. Маънавият ва маърифатга доир оятларни билади.

2-асосий саволнинг баёни:

Инглиз олими Лорд Роббенпорт ўтган асрнинг бошларидаёқ «Исломни тез суръатлар билан ёйилаётганига асосий сабаб, бу диннинг маънавият масалалари бўйича жуда талабчан бўлганидир» деб ёзган эди. У ўз фикрини давом эттириб: "(Мусулмонлар) марҳаматли, хушхулқ ва одобли, ижтимоий адолатли, илм-фанга бўлган муҳаббат ва эҳтиромда мусулмонларга тенг келадиган миллат ва халқ йўқдир. Ислом моддий бойликлардан кўра фанни афзал кўради» - дейди «Мангу бахт саодат» китобида.

Қуръон гўзаллик, инсон мижози ҳақида баҳс юритади. Буни соддароқ ҳолатда "Комил инсон"ни исломий талқини дейиш мумкин. Қуръони Карим "Бақара" сураси 177 оятда: "Юзларингизни Машриқ ва Марғиб томонларга бураверишингиз яхшилик эмас, балки Аллоҳга, охират кунига, фаришталарга, китобларга, пайғамбарларга иймон келтирган, ўзи яхши кўра туриб, молини қариндош-уруғларга, етим-есирларга, мискин бечораларга, йўловчи мусофирларга, тиланчи гадоларга ва қулларни озод қилиш йўлида берадиган, намозни тўқис адо этиб, закотни берадиган киши ва аҳдлашганларидан аҳдларига вафо қилувчилар ва хусусан оғир енгил кунларида ва жангу жадал пайтида сабр-тоқат қилувчилар яхши кишилардир, ана ўшалар чин иймонли кишилардир ва аша ўшалар асл тақводордирлар" дейилади.

Мазкур юқоридаги тақводор иймонли инсон фазилатларини назарий ва амалий қисмга бўлиш мумкинки, бунда назарий қисми инсон қалбида, амалий қисми инсон фаолиятида амалга ошади: Аллоҳга, охиратга, фаришталарга, китобларга, пайғамбарларга иймон - бу фазилатлар қалба бажарилади. Саховатпеша, намозхонлик, закотни берадиган, аҳдига вафодорлик, сабр-тоқат - фазилатлар. Бу фазилатлар бевосита инсон фаолиятида амалга оширилади. Ушбу тақводор инсон сифатлари бу исломий комил инсон сифатларидир ва шу билан бирга келгуси комил инсон шакллари учун асос вазифасини ўтаган.

Исро сурасининг 85-оятида: «Эй Муҳаммад, сиздан рух ҳақида сўрайдилар. Айтинг: «Рух фақат Раббимнинг ишидандир». Сизларга эса оз илм берилгандир» ояти нозил бўлади. Демак, ҳатто пайғамбарлар ҳам бу масалани билишга ожиз эканлар. Энди «шу рух ўзи қаердан келди», деган саволга Қуръон шундай жавоб беради: «У (Аллоҳ) инсонни (яъни, Одамни) даставвал лойдан яратди... Сўнгра уни (инсон қилиб) ростлаб, ичига Ўз (даргоҳидаги, яъни, Ўзи яратган) руҳидан киритди...» (Сажда сураси 7—9-оятларидан).

Муҳокама учун саволлар:

1. Қуръон илгари сурган маънавий масалаларга муносабатингизни билдиринг ва уни бошқа талабаларнинг фикрлари билан солиштиринг.
2. Қуръон маънавияти иборасини тушунтириб беринг.

3-асосий савол бўйича дарс мақсади: Талабаларга Қуръоннинг илм ва фанга бўлган муносабатини тушунтириб бериш, уларни илм эгаллашга чақирувчи оятларнинг мазмуни билан таништириш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- 3.1. Қуръоннинг илм ва фанга муносабатини билади.
- 3.2. Қуръоннинг илм тўғрисидаги оятларини тушунтириб беради.
- 3.3. Диний ва дунёвий илмлар мутафаккирлар муносабатини билади.

3-асосий саволнинг баёни:

Пайғамбаримиз Муҳаммад (сав)га нозил бўлган дастлабки оятданок маърифатга, илмга, камолотга ундов шаклида «Ўқинг!» – деган хитоб янграган эди. «Қуръон»да ҳам рамзий маъно бўлиб, унинг маъноси ҳам «ўқимоқ», «қироат қилмоқ», «жамламоқ» каби мазмунга эгаллиги диққатга сазовордир.

Исломий амаллар ичида энг диққатга сазовар ва ҳурмат—эҳтиромга лойиқ бўлган ҳол - диний ва дунёвий илмларни эгаллаш ва умри давомида шу илми асосида ҳаёт тарзини йўлга қўйишдир. Имом Шофеъий ҳар бир илмнинг ўзига яраша фазилати борлиги ҳақида шундай дейди: “Қуръонни ўрганган кимсанинг қиймати юксалур, фикҳни ўрганган кимсанинг қадри олий, ҳадис жамлаганининг ҳужжати қувватли, ҳисоб ўрганган кишининг фикри гўзал, луғат ўрганган кишининг табиати дақиқ бўлур. Нафсининг ёмонлигидан ҳимояланма-ган кимсанинг илми унга фойда бермас”⁷.

⁷ Имом ал-Бухорий. Илму маърифат нури. (Сайланма ҳадислар). «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Тошкент, 1998, 3-б.

Имом Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Ғаззолий “Ихёу улумид-дин (Дин илмларини жонлантириш)” номли китобида Қуръони Каримдан шундай оят келтиради: “Аллоҳ, фаришталар ва илм аҳллари - адолат билан ҳукм қилувчи ёлғиз Аллоҳдан ўзга ҳеч қандай тангри йўқ, фақат унинг ўзи борлигига гувоҳлик бердилар”⁸ (3 :18). Имом Ғаззолий айтади: “Бу оятда Аллоҳ таоло аввал ўзини, кейин фаришталарни, сўнгра илм аҳлини зикр этди. Мана шунинг ўзи илмнинг шарафли, фазилатли ва улуғ эканини англаш учун кифоя қилади”⁹.

Қуръонда илм фазилатлари ҳақида кўплаб ибратли оятлар келтирилган. Тоҳа сурасининг 114 оятида шундай дейилади: “(Эй Муҳаммад) айтинг: “Парвардигорим, илмимни янада зиёда қил!”. Зумар сурасининг 9-оятида: “Айтинг: Биладиган зотлар билан билмайдиган кимсалар баробар бўлурми?!”. Мужодала сурасининг 11-оятида: “Аллоҳ сизлардан иймон келтирган ва илм ато этилган зотларни (баланд) даража - мартабаларга кўтарур”. Имом Ғаззолий ушбу оят мазмуни юзасидан Ибн Аббос (ра)дан иқтибос келтиради. Ибн Аббос (ра) айтадилар: “Олимларнинг даражаси илм олмаган мўминларнинг даражасидан етти юз даража юқоридир. Ҳар даражанинг ораси беш юз йиллик йўлга тенг”.

Илм фазилатлари ҳақида ҳадисларда ҳам қатор кўрсатмалар мавжуддир. Дикқатга сазовор ҳадислардан бирида: “Олимлар пайғамбарларнинг ворисларидир”, - дейилади. Бошқасида эса “Ҳикмат шарафли кишининг шарафини зиёда этади ва қулни подшоҳлар даражасига кўтаради.” Ислом таълимотида ўз билимлари билан ўзгага ва ўзига фойдаси тегадиган шахслар юксак баҳоланади. “Одамларнинг афзали ҳожат тушса, фойда берадиган, беҳожат бўлинса, ўзига фойда берадиган иймонли олимдир”.

Ислом дини таълимотига кўра илм олган киши ўз илмидан ўзгаларни ҳам хабардор қилиб, таълим бериш билан ҳам шуғулланиши керак. Қуръонда шундай дейилади: “Эсланг (Эй Муҳаммад), Аллоҳ китоб берилган кимсалардан “Албатта, у Китобни одамларга очик баён қилурсизлар ва яширмайсизлар!”, деб аҳд-паймон олган эди”. (Оли Имрон сураси, 187-оят). Бу оят таълим бериш вожиблигидан далолат беради.

Муҳокама учун саволлар:

1. Қуръоннинг илм ва илм ўрганишга муносабатини тушунтиринг.
2. Қуръон илм ўрганишга жиддий даъват этишини моҳияти нимада деб ўйлайсиз?
3. Илм тўғрисидаги оятлардан бир нечасини ёд олинг ва уларнинг моҳиятини тушунтириб беринг.

Адабиётлар рўйхати:

1. «Ўзбек ҳалқининг ислом маданияти ривожига қўшган бекиёс ҳиссасининг юксак эътирофи», И. Каримовнинг «Туркистон пресс» нодавлат ахборот агентлиги мухбириги берган интервьюси. “Ислом нури” газетаси 2007 йил 16 март.

2. Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Иймон. Т.: 2005.

⁸ Қуръон. Оли Имрон сураси. (3 : 18).

⁹ Имом Ғаззолий. Ихёу улумид-дин. Тошкент—2003 –йил. 16-бет.

3. Имом ал-Бухорий. Илму маърифат нури (Сайланма ҳадислар). Ўзбекистон миллий энциклопедияси». Тошкент.: 1998.
4. Қуръони карим. Ўзбекча изоҳли таржима. Т.: 1992.
5. Имом Ғаззолий. Ихёу улумид-дин. Тошкент.: 2003.

3-мавзу: Ҳадислар – ислом маънавиятининг манбаси

Фанни ўқитиш технологияси: “Ҳадислар – ислом маънавиятининг манбаси” мавзусидаги маъруза машғулотининг технологик харитаси

Т/ Р	Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи шахс, вақт
1	Тайёрлов босқичи: 1.1 Дарс мақсади: 1.2. Идентив мақсадлар: 1.2.1. “ 1.3. Асосий тушунча ва иборалар: 1.4. Дарс шакли: гуруҳ ва микрогуруҳларда. 1.5. Фойдаланиладиган метод ва усуллар: суҳбат, маъруза-ҳикоя, баҳс, видеоусул. 1.6. Керакли жиҳоз ва воситалар: Кўргазмали қуроллар, харита, тарқатма материаллар.	Ўқитувчи
2	Ўқув машғулоти ташкил қилиш босқичи: 2.1. Мавзу эълон қилинади. 2.2. Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади.	Ўқитувчи, 15 минут
3	Гуруҳда ишлаш босқичи: 3.1. Талабаларга муаммоли савол беради. 3.2. Талабалар фикри эшитилади, бошқа талабалар баҳсга чақирилади. 3.3. Умумий хулосалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади. 3.4. Умумий хулосага келинади.	Ўқитувчи-талаба, 40 минут
4	Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи: 4.1. Берилган маълумотни талабалар томонидан ўзлаштирилганини аниқлаш учун қуйидаги саволлар берилади: - Ҳадис атамаси ва унинг келиб чиқиши ҳақида нималар биласиз? - Ҳадислар бир неча турларга қачондан ажратилди ва унинг асосий сабаблари нимада? - “Саҳиҳи ситта” тўпламларининг номлари ва муаллифларини санаб беринг? - Ота-она ва фарзанд муносабатлари ҳақидаги ҳадислардан қайсиларини биласиз? - Ҳадисларнинг инсон маънавий камолотидаги қрни нималарда намоён бўлади? 4.2. Энг фаол талабалар (баҳолаш мезони асосида) баҳоланади.	Ўқитувчи, 15 минут
5	Ўқув машғулоти яқунлаш босқичи: 5.1. Талабалар билими таҳлил қилинади. 5.2. Мустақил иш топшириқлари берилади. 5.3. Ўқитувчи ўз фаолиятини таҳлил қилади ва тегишли ўзгартиришлар киритади.	Ўқитувчи, 10 минут

Асосий саволлар:

1. Ҳадис илми ва ҳадисларнинг турлари.
2. Олти ишончли тўплам. («Сихоҳи ситта»).
3. Ҳадислар – маънавият негизи сифатида.

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар: Ҳадис, суннат, ровий, санад, муснад, саҳоба, тобеъин, ҳадислар турлари, саҳиҳ, ҳадис илми, муҳаддис, жомеъ, сунан, мавзу, ҳадис маънавияти.

1-асосий савол бўйича дарс мақсади: Талабаларга ҳадис илми ва ҳадисларнинг турлари тўғрисида маълумот бериш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- 1.1. «Ҳадис» атамасининг маъносини билади.
- 1.2. Ҳадис илми ҳақида маълумотларга эга бўлади.
- 1.3. Ҳадисларнинг турларини санайди.
- 1.4. Ҳадислар турлари орасидаги фарқни билади.

1-асосий саволнинг баёни:

Ҳадис – «сўзлашув ва хабар бериш» маъносида келган нақлнинг (баён ва ифоданинг) номидир. Кейинчалик Пайғамбар(сав)нинг сўзлари ёки феъллари ёхуд таъсирлари (бирор масаладаги) тўхтамлари ҳадис дейилади. Айрим олимлар, «ҳадис» тушунчасида «янгилик» деган маъно бор деб, бу сўзни «қадим» сўзининг муқобили сифатида қўллашган. «Қадим» деганда Аллоҳ Таолонинг китоби - Қуръони каримни, «ҳадис» деганда эса, Пайғамбар (сав)нинг сўзларини назарда тутишган.

«Суннат» эса – асли эътибори билан «ҳадис» лафзига баробар эмас. Ислом шариатида пайғамбар суннатларига ҳам таянилади. Истилоҳга кўра “Сунна” - одат, анъана, хатти-ҳаракат маъноларини бериб, Муҳаммад (сав)нинг сўзлари, амаллари, хатти-ҳаракатларини ўзида мужассам қилган. Муҳаддислар истилоҳида бунинг маъноси: «Пайғамбар (сав)дан асар бўлиб қолган гап, иш, тақрир, халқий (тана тузилиши), ахлоқий сифатлар ва таржимаи ҳолига тегишли маълумотлар “суннат” дейилади. Ўз навбатида пайғамбаримизга хос бўлган бу сифатларнинг ҳар бирига алоҳида маъно берилган.

“Гап”- пайғамбаримизнинг гаплари, бу - «қавлий суннат» дейилади.

«Иш» - пайғамбаримиз қилган ишлари, амаллари. Бу «амалий суннат» дейилади.

“Тақрир”- саҳобалар томонидан қилинган амалларнинг пайғамбаримиз томонидан маъқулланиши. Бу «Тақририй суннат» дейилади.

Юқорида таъкидланганидек, ҳадислар бир неча турларга бўлинади. Уларнинг асосийлари билан танишиб чиқамиз.

1. Ҳадиси Қудсий: Қуръон - лафзи ва маъноси ошкор ваҳий билан Аллоҳ ҳузурида нозил бўлган каломдир. Ҳадиси Қудсий эса – лафзи расули Акрамдан ва маъноси илҳом ёки туш йўли билан Аллоҳдан келган каломдир.

2. Саҳиҳ-ҳадис – тўғри ва ақл идрокли киши тўғри ва ақл идрокли кишидан ривоят қилган, санади бошидан охиригача узилмай муттасил бўлган шоз ва муаллал бўлмаган муснад ҳадисдир.

Саҳиқ ҳадиснинг турлари. Саҳиқ ҳадис мутавотир, аҳад, машҳур, мустафиз, азиз ва ғариб каби турларга бўлинади.

Мутавотир - ақлан ва одатан ёлгон нарса устида иттифоқ қилишлари мумкин бўлмаган бир жамоат санади бошида, ўртасида ва охирида худди шундай сифатга эга бўлган бир жамоатдан ривоят қилган саҳиқ ҳадисдир.

Аҳад – бундай ҳадисларнинг ҳар биттаси «хабари воҳид» дейилади. Хабари воҳид- луғавий маъносига кўра, битта киши ривоят қилган ҳадис дегани. Истилоҳий маъносига кўра-тавотур даражасига етмаган ҳадисдир. Бу таърифдан маълум бўладики, куйидаги ҳадис турлари хабари воҳиднинг алоҳида туридир.

Минкар – Заиф ровий ишончли ровийга муҳолиф (қарши) тарзда ривоят қилган ҳадис. Шунинг ҳам таъкидлаб ўтайликки, «минкар»нинг муқобили- «маъруф» шоз (з)нинг муқобили «махфуз» дир.

Матрук – ҳадисда ёлгончилиги тахмин қилинган ёки ҳоҳ феъли, ҳоҳ сўзи билан фосиқлиги аён бўлган ёки ваҳм-ҳаёли кўп бўлган ровий ривоят қилган ҳадис.

Машҳур – Сика (ишончли) бир имомдан (иккитадан ортиқ киши) иштирок тарзда ривоят қилган ҳадисдир. Аниқлик, очиқ-равшанлик касб этгани боис бундай ҳадислар машҳур деб номланган.

Айрим фикҳ имомлари бундай ҳадисни айни вақтда мустафиз, деб атайди. Ҳолбуки машҳур ҳадис билан мустафиз ҳадис ўртасида фарқ бор.

Мустафиз – ёйилмоқ, тарқалмоқ маъносида келадиган «истефоз» сўзидан келиб чиққан исми фоилдир.

Азиз – икки киши ривоят қилган, аммо ҳамisha ҳар қайси даврда ривоятлар саноғи иккитадан кам бўлмаган ҳадислардир. Бу ҳадисларнинг азиз деб аталишига сабаб нодир бўлганидир.

Ғариб ва фард – саҳобадан кейин санаднинг ҳар қандай бир жойида битта ровий яқка ҳолда ривоят қилган ҳадис. «Ғариб ва фард» сўзлари орасида, луғат ва истилоҳ жиҳатдан муштарак уйкашлик бор.

Ҳасан ҳадис – одил, сидқ ва омонатда машҳур, аммо қамровда саҳиқ талаби даражасига кўтарилмаган ровий ривоят қилган, санади муттасил бўлиб тобиъийдан расулуллоҳ саллАллоҳи алайҳи ва салламгача етиб борган, иллатдан саломат бўлган ҳадисдир. Муҳаддислар, саҳиқ билан ҳасан ўртасида муштарак бўлган баъзи лафзларни зикр қилишган.

3. Заиф ҳадис.

Заиф – таркибида «саҳиқ» ва «ҳасан» ҳадисларнинг сифати бўлмаган ҳадис. Учинчи тур ҳисобланган заиф ҳадиснинг энг мувофиқ таърифи ана шу. Заиф ҳадиснинг кўпгина хиллари бор. Булардан ўзига хос номга эга бўлган хилларини куйида изоҳлаймиз.

Заиф ҳадиснинг турлари.

Мурсал – санадидан саҳоба тушириб қолдирилган ҳадис.

Мунқотить – санадида бир ровий тушириб қолдирилган ёки санадида бир мубҳам бир кишига ўрин берилган ҳадис.

Муъдал – санадидан икки ёки ундан кўпроқ ровийси тушириб қолдирилган ҳадис.

Мудаллас – айби яширинган ҳадис.

Муаллал – зоҳиран иллатсиз кўринса ҳам, саҳиҳлигига жароҳат етказадиган бир иллати чиқарилган ҳадис.

Музтариб – бошқа – бошқа ва бир-бирига яқин сабаблар билан ривоят қилинган ҳадис.

Мақлуб – ровийлардан биронтаси матнда бирор сўз ёки санадда бирор ровий номини ёки насабини ўрнига қўйиши тарзида ривоят қилган ҳадис.

Шоз(з) – ривояти қабул бўлган ровий ўзидан кўра мақбулроқ бўлган ровийга муҳолиф ривоят қилган ҳадис.

Муҳокама учун саволлар:

1. «Ҳадис» сўзи қандай маъноларни англатади?
2. Ҳадисларнинг жамланишида нималарга эътибор қаратилган?
3. Қудсий ва набавий ҳадислар орасидаги фарқларни санаб беринг.
4. Саҳиҳ ҳадисларнинг турларини санаб беринг.
5. Заиф ҳадисларнинг турларини санаб беринг.

2-асосий савол бўйича дарс мақсади: Талабаларга энг машҳур бўлган олтита ҳадис тўпламлари тўғрисида маълумот бериш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- 2.1. Олтита ишончли тўплам номларини билади.
- 2.2. Ишонарли тўпламлар муаллифларини санайди.
- 2.3. Машҳур муҳаддислар асарларини номи ва мавзуси ҳақида маълумотга эга бўлади.

2-асосий саволнинг баёни.

Ислом оламида энг машҳур ва эътиборли олимлар бир неча йиллар давомида пайғамбар ҳадисларини тўплаганлар ва уларни турли номлар билан атаб, тасниф қилганлар. Шу тарзда муҳаддислик ва ҳадис тўпламлар пайдо бўлган. Муаллифлар ўз тўпламларини айрим тартиб асосида шакллантирганлар. Мазкур китоблар кейинчалик «Жомеъ», «Сунан» каби номларни олган. Энг машҳур ва ишончли ҳадис тўпламлари олтита бўлиб, учтасининг муаллифи Марказий Осиёлик эканлиги диққатга сазовордир.

Ислом оламида энг обрўли ҳадис тўпламлари қуйидагилардир:

1. “Ал-жомеъ ас-саҳиҳ” ёки “Саҳиҳи Бухорий”. Буюк ватандошимиз Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий тўплами. Ислом дини тарихи, фикҳ-қонуншунослиги, ислом ахлоқи каби масалаларда энг ишончли манбалардан биридир. Исломшунослар уни Қуръондан кейинги иккинчи манба деб таърифлайдилар.

Маълумотларга кўра, Имом Бухорий 600 000 га яқин ҳадисни тўплаган ва улардан фақат 7250 тасини «саҳиҳ»-ишончли деб ҳисоблаб, ўзининг «Ал Жомеъ ас-саҳиҳ» тўпламига киритган. Имом Бухорийнинг мазкур асари асрлар давомида бутуш мусулмон оламида энг мўътабар қўлланмалардан бири сифатида ўрганилиб келинган, қайта-

қайта нашр этилган. Ушбу тўплам замонавий ўзбек тилига таржима қилиниб, 1991-1997 йилларда Тошкентда 4 жилдда нашр этилди.

2. “Саҳиҳи Муслим”. Олтига ишончли ҳадис тўпламларининг бири бўлиб, Абул-Ҳусайн Муслим ибн ҳажжож ал-Қушайрий ал-Найсобурий қаламига мансубдир. Имом Бухорийнинг «Саҳиҳи Бухорий»идан кейинги иккинч ўринда туради. Муаллиф тўпламга ўзи йиғиб, ёд ўлган 300 000 ҳадисдан 12 000 тасини киритган. Бунинг учун у 15 йил умрини сарфлаган. Имом Муслим ўз ишига баҳо бериб, «Мабодо, ер юзидаги олимлар 200 йил ҳадис ёзсалар ҳам менинг тўпламимдаги ҳадислардан ошириб ёза олмаган бўлур эдилар», деган.

3. “Сунани Термизий” ёки «Саҳиҳи Термизий». Яни бир машҳур Ватандошимиз Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий ёзган. «Ал жомеъ ас-саҳиҳ», «Ал Жомеъ ал-кабир» каби номлар билан ҳам юритилади. Имом Термизий 20 йил давомида мусулмон ўлкаларида кезиб, тўплаган ва замонджоши ва устози Имом Бухорий билан маслаҳатлашиб ёзган тўпламидир. У тартиби жуда ихчамлиги ва такрори озлиги билан ажралиб туради. «Саҳиҳи Термизий» катобида Имоми Аъзам мазҳаби жиҳатлари эътиборга олинган 6 жилддан иборат. «Саҳиҳи Термизий» 1-жилдининг ўзбекча таржимаси 1999 йилда Тошкентда нашр этилди.

4. “Сунани Абу Довуд” – олтига ишончли тўпламлардан бири. Муҳаддис Сулаймон ибн Ашъас ибн Исҳоқ ибн Башир ибн Шаддод ибн Амр Абу Довуд ал-Яздий ас-Сижистонийнинг шрҳ асари. Унгача ҳадис тўпламлари «Жомеъ» ва «Муснад» деб аталган бўлса, у ўз асарини «Сунан» деб атади ва унга суннати санийя ва ва шаръий аҳкомларни мавзулар бўйича бобларга бўлиб ёзиб чиқди.

“Сунани Абу Довуд”да 4800 та ҳадис жамланган. Тўплам 35 фасл, 1871 бобдан иборат бўлиб, унга учта олим томонидан уч хил шарҳ ҳам битилган.

5. “Сунани Насоий”. Абу Абдурахмон Аҳмад ибн Алий ибн Шуайб ал-Хуросоний ан-Насоийнинг шоҳ асари. Насоий биринчи бўлиб Сунани кубро – ката ҳадислар тўпламини ёзган. Сўнгра Рамла амирининг илтимосига кўра уни қисқартириб, энг ишончли ҳадисларни қолдириб, унга «ас-сунан ас-Суғро» - кичик тўплам ёки «ал-Мужтабо», яъни танланган ҳадислар тўплами деб ном қўйган. Уламоларнинг фикрича, сунан номи билан битилган тўпламларга заиф ҳадислар ҳам киритилган.

6. “Сунани ибн Можа”. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Язид Можа ал-Қазвинийнинг шоҳ асари. Асар 32 фасл, 1500 бобдан ташкил топган. Ибн Можа ўз тўпламини фикҳий масалаларга хос мавзуларга бўлиб чиққан. Асардан жами 4000 та ҳадис жой олган.

Булардан ташқари, Аҳмад ибн Ҳанбалнинг «Муснад», Доримий-Самарқандийнинг «Сунани Доримий» асарлари ҳам ўта машҳурдир.

Ҳадис тўпламлари мазмунига кўра ҳам бир қанча турларга бўлинади. Булар:

1. “Илми тавҳид ва сифат”- ақоидга оид.

2. “Сунан”-ҳукмга далолат қилувчи ҳадислар.

3. “Риқоқ”- илми сулук ва зуҳдга оид.

4.“Илмул адаб”- ейиш, ичиш, кийиниш, ўтириш-туриш ва сафар каби одобларга тааллуқли.

5. “Тафсир”- тафсир ҳадислари.

6. “Илму Ваъдил - халқ” ёки “сийрат”- тарих ва шеър ҳадислар.

7.“Илмул-фитан”- пайғамбаримиз Муҳаммад (сав) вафотларидан сўнг вужудга келган ва вужудга келадиган фитналарга доирдир.

8. “Илмул маноқиб” - маноқиб ва мусолаба, яъни шахслар, қабилалар, шаҳарлар ва бошқа шу қабилар мақтови ёки айбловига доир хабарлар.

Буларни ўзида жамлаган “Саҳиҳи Бухорий” каби китобларга “Жомий” номи берилган. Имом Термизийнинг китоблари ҳам “Жомий” ҳам “Сунан” дейилган. Яна “Муснад” номли ҳадислар тўплами мавжуд бўлиб, унда саҳоба исмлари махсус тартибга солиниб, ҳар биридан ривоят қилинган ҳадислар баён қилинган ва ниҳоят, муаллифнинг кексалари ҳуруфи ҳижо (алифбо) тартибга қўйилиб, ҳар бирининг йўли билан муаллифга етиб келган ривоятларни тўплаган китоб “Муъжам” дейилади.

Муҳокама учун саволлар:

1. Машҳур олти ҳадис тўпламларини санаб беринг. Уларнинг ўртасидаги фарқларни аниқланг.

2. Сунан ва Муснад тартибида ҳадис жамлаган муҳаддислардан кимларни биласиз?

3. Ҳадис тўпламлари мазмунига кўра қандай турларга бўлинади?

3-асосий савол бўйича дарс мақсади: Талабаларга ислом маънавияти шаклланишида ҳадисларнинг ўрни тўғрисида маълумот бериш.

Идентив ўқув мақсадлари:

3.1. Ҳадислардаги маънавият масалаларини билади.

3.2. Ҳадислар илгари сурган комил инсонни таърифлайди.

3.3. Ахлоқ ва одобга, маънавият ва маърифатга оид ҳадисларни ёд олади.

3-асосий саволнинг баёни:

Ҳадис илмида ҳам комил инсон, яъни маънавий етук инсон сифатлари ҳақида қатор фикрлар баён этилган. Масалан, ҳадислардан бирида: "Мени сифатим Аҳмад, таваккул қилувчи, қўпол эмас, бадхулқ эмас, яхшиликка яхшилик қайтарадиган, ёмонликка-ёмонлик билан эмас, балки яхшилик қайтарадиган, туғилган жойи Макка, ҳижрат қилган жойи Мадина, умматлари изор билан ёпилувчи (иштон), атроф очиқ жойларини юувчи, таҳоратда юрувчи, Қуръонлари дилларида ёд юрувчи, намозга урушга саф олгандек саф олувчи, Аллоҳга яқин бўлишлик учун жон ва қонларини аямовчи, Аллоҳ йўлида жиҳод -қилувчи, кечалари ибодатда қаттиқ, кундузлари ишда шер қабидирлар" дейилган (Билкиз Аладдин "Муҳаммад пайғамбар қиссаси " Т.: 1991, 92-б).

Ушбу шариф сифатларини таҳлили қиладиган бўлса, қуйидаги:

Таваккул қилувчи.

Яхшиликка яхшилик қилувчи.

Ёмонликка яхшилик қилувчи.

Аллоҳга ҳамд этувчи.

Авратлари ёпиқ юрувчи.

Таҳоратда юрувчи.

Қуръон дилда юрувчи.

Намозхон.

Аллоҳ йўлида жиҳод қилувчи.

Ибодатни кўп қиладиган.

Меҳнаткаш каби сифатлари намоён бўладики, бу бевосита тақводор инсон, комил инсон сифатларини ифодасидир.

Муҳокама учун саволлар:

1. Ҳадисларда илгари сурган маънавият масалалари тўғрисида маълумот тўпланг ва маъруза тайёрланг.

2. Ота-она, фарзанд тарбияси ва оила тўғрисидаги ҳадислардан бир нечасини ёд олинг ва таҳлил қилинг.

3. Ҳадислар илгари сурган комил инсонни таърифланг.

4 Ахлоқ ва одобга, маънавият ва маърифатга оид ҳадисларни ёд олинг.

Адабиётлар рўйхати:

1. Абу Мусо Муҳаммад ат-Термизий. Шамоили Муҳаммадийя. Т.: 1991.

2. Алихонтўра Соғуний. Тарихи Муҳаммадий. Т.: 1997.

3. Бухорий Исмоил. Ал жомеъ ас саҳиҳ (Ишонарли тўплам). 1-4 жилд. Т.: 1991-1992 ; 1997.

4. Билкиз Аладдин. Муҳаммад пайғамбар қиссаси. Т.: Камалак-1991.

5. Ислом. Энциклопедия. Т.: 2004.

6. Маънавият юлдузлари (Марказий Осиёлик машхур сиймолар, алломалар, адиблар). Т.: 2001. –407 б.

7. Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Ҳадис ва ҳаёт.

8. Ўролов А. Сувонкулов И. Алломалар олами. Т.: 1991. –72 б.

4-мавзу: Исломнинг асосий ғоялари, урф-одат ва маросимлари

Фанни ўқитиш технологияси: “Исломнинг асосий ғоялари, урф-одатлари ва маросимлари” мавзусидаги маъруза машғулотининг технологик харитаси

Т/Р	Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи шахс, вақт
1	Тайёрлов босқичи: 1.1 Дарс мақсади: Талабаларга исломнинг асосий ғоялари тўғрисида маълумот бериш. 1.2. Идентив мақсадлар: 1.2.1. Исломнинг асосий ғояларини билади. 1.2.2. Ваҳдоният тушунчасини тўғри таърифлайди. 1.2.3. Тавҳиднинг мазмунини тушунтиради. 1.2.4. Исломнинг асосий ақидаси ва инсон амалларини билади. 1.2.5. Исломнинг асосларини билади. 1.2.6. Дин арконлари атамасини тушунади. 1.2.7. Иймон, ислом ва эҳсонни фарқлайди	Ўқитувчи

	1.3. Асосий тушунча ва иборалар: ваҳдоният, тавҳид, яккахудолик, ал-Асмо ал-Ҳусно, қазо ва қадар, ширк, фарз, вожиб, суннат, мубоҳ, савоб, гуноҳ, иймон, намоз, рўза, закот, ҳаж, дин арконлари. 1.4. Дарс шакли: гуруҳ ва микрогуруҳларда. 1.5. Фойдаланиладиган метод ва усуллар: суҳбат, маъруза-ҳикоя, баҳс, видеоусул. 1.6. Керакли жиҳоз ва воситалар: Кўргазмалар қуроллар, харита, тарқатма материаллар.	
2	Ўқув машғулоти ташкил қилиш босқичи: 2.1. Мавзу эълон қилинади. 2.2. Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади.	Ўқитувчи, 15 минут
3	Гуруҳда ишлаш босқичи: 3.1. Талабаларга муаммолар савол беради. 3.2. Талабалар фикри эшитилади, бошқа талабалар баҳсга чақирилади. 3.3. Умумий хулосалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади. 3.4. Умумий хулосага келинади.	Ўқитувчи-талаба, 40 минут
4	Мустақамлаш ва баҳолаш босқичи: 4.1. Берилган маълумотни талабалар томонидан ўзлаштирилганини аниқлаш учун қуйидаги саволлар берилади: - Ислоннинг асосий ғояларини санаб беринг ва уларни таҳлил қилинг. -Ваҳдоният ва тавҳидни тушунтиринг. Мазкур ғояларнинг ислонни ёйилишида тутган ўрнини баҳоланг. -Қазо ва қадар нима? -Ал асмо ал-Ҳусно нима? -Ислоннинг ақидасига кўра амаллари қандай гуруҳларга ажратилади? -Иймоннинг шартларини санаб беринг. Сизнингча, мазкур шартлар нималарга асосланади? -Дин арконлари нима? Уларни санаб беринг ва таҳлил қилинг. -Иймон, ислон ва эҳсоннинг маъносини тушунтиринг. 4.2. Энг фаол талабалар (баҳолаш мезони асосида) баҳоланади.	Ўқитувчи, 15 минут
5	Ўқув машғулоти якунлаш босқичи: 5.1. Талабалар билими таҳлил қилинади. 5.2. Мустақил иш топшириқлари берилади. 5.3. Ўқитувчи ўз фаолиятини таҳлил қилади ва тегишли ўзгартиришлар киритади.	Ўқитувчи, 10 минут

Асосий саволлар:

- 1.Ислоннинг асосий ғоялари.
- 2.Ислон урф-одатлари.
- 3.Ислоний амал ва маросимлар.

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар: ваҳдоният, тавҳид, яккахудолик, ал-Асмо ал-Ҳусно, қазо ва қадар, ширк, фарз, вожиб, суннат, мубоҳ, савоб, гуноҳ, иймон, намоз, рўза, закот, ҳаж, дин арконлари.

1-асосий савол бўйича дарс мақсади: Талабаларга ислоннинг асосий ғоялари тўғрисида маълумот бериш.

Идентиф ўқув мақсадалари:

- 1.1. Ислоннинг асосий ғояларини билади.

1.2. Ваҳдоният тушунчасини тўғри таърифлайди.

1.3. Тавҳиднинг мазмунини тушунтиради.

1-асосий саволнинг баёни:

Ислом маънавиятининг энг олий нуқталаридан бири қабилачилик хурофотларига узил-кесил барҳам берганлиги, уруғ жамоаси, ягона аждодга бориб тақалувчи ирсий биродарлик ўрнига тавҳид эътиқоди асосидаги инсоний биродарлик жамоаси - “умма” тушунчасининг киритилиши бўлди. Бу ҳодиса аҳли башар маънавий тақомилида энг муҳим бурилиш нуқтасидир, аммо ушбу ғоя хануз ҳам мукамал англаб етилган, деб бўлмайди.

Барча диний таълимотларда бўлганидек, ислом ҳам пайдо бўлган даврлардан бери жамият тараққиётига ўз таъсирини кўрсатиб келмоқда. Шу нуқтаи назардан, унинг биринчи ва асосий ғояси - тавҳид, ваҳдоният ғоялари ўз даврида араб халқларини ягона тангрига сиғиниш орқали ягона байроқ остида, ягона давлат худудида, ягона ғоялар атрофида бирлаштирди. Исломнинг ана шундай ғояларини кўриб ўтамыз.

Ваҳдоният. «Ваҳдоният» сўзи арабчадан «яккалик, ягоналик» деб таржима қилинади. Аллоҳнинг якка-йгоналигини таниш, тан олиш ва эътироф этиш. Бу ғоя исломнинг асосий ғояси ҳисобланади. Яҳудийлик ва христианлик – илоҳий динлар, яҳудийлар ва христианлар «аҳли китоб» саналсалар ҳам, мазкур динларда ваҳдоният ғояси узил-кесил шаклланмаган. Қуръони каримда айтилганидек, яҳудий динида Узайр пайғамбар, христианликда Ийсо худонинг ўғли деб эътиқод қилинади (9: 30). «Ихлос» сурасида ваҳдоният ғояси яққол ва равшан баён қилинган. «Анбиё» сурасида эса, «Агар (осмону заминда) Аллоҳдан ўзга худолар бўлганида ҳар иккиси бузилиб кетар эди», дейилган (21: 22). Бу оят зардуштийликнинг иккихудолик - дуалистик ғоялари ақидасига қарши қаратилган эди.

Кўпхудолик-политеизм эътиқод шаклида тугаб кетганига қарамай, кишилар онгида турли кўринишда пайдо бўлиб туради. Ҳозирги замонда ислом оламида кўпхудолик ақидаси эскилик сарқити сифатида у ёки бу кўринишда учраб туради. Маълумки, кўпхудолик - политеизм инсоният тарихида халқлар, миллатлар ва давлатларни бир-бирларига қарама-қарши бўлишига олиб келган, яккахудолик - ваҳдоният эса аксинча, уларни бирлаштиришда асосий омил бўлиб хизмат қилган, тор қабилачилик тузумига барҳам бериб, миллатларнинг шаклланишида ката аҳамият касб этган.

Тавҳид. Арабчада яккахудолик маъносини англатади. Умумий маънода яккахудолик тўғрисидаги таълимот бўлиб, ваҳдоният ғоясига ўта яқин туради. Шаръий истилоҳда эса тавҳид - исломда Аллоҳга ширк келтиришнинг турли кўринишларидан воз кечиш ва унинг зотида ҳам, сифатларида ҳам, ишларида ҳам, исмларида ҳам, ҳукмларида ҳам шериги йўқ, деб эътиқод қилишдир. Тавҳид Қуръон ва суннат уламолари наздида уч қисдан иборатдир:

1. Сифатлар тавҳиди.
2. Роббилик (Парвардигорлик) тавҳиди.
3. Илоҳийлик тавҳиди.

Тавҳид исломда (суннийликда ҳам, шиалик ва хорижийликда ҳам) расман эътироф этилган ақидаларнинг биринчиси, моҳиятан, асосий ва марказий ақидадир. Мазмунан шундай тасаввурни ифода этгани учун Қуръоннинг 112 – «Ихлос» (Покланиш) сураси ҳам баъзан Тавҳид сураси дейилади.

Юқоридагилардан ташқари, исломда Аллоҳни таниш ва тан олиш унинг исми ва сифатлари – «ал Асмо ал-Ҳусно» (араб. - гўзал исмлар) орқали амалга оширилади. **Ал-Асмо ал-Ҳусно** - Аллоҳнинг исмларидир. Мазмунан унинг сифатлари, фазилатларини ифодалайди. Қуръонда Аллоҳни шу исмлар билан ёдга олиш буюрилади: "Аллоҳнинг гўзал исмлари бордир. Бас, уни ўша исмлар билан чорланглар (ёд этинглар)" ("Аъроф" сураси, 180-оят); "Аллоҳ, деб чорлангиз, ёки Раҳмон - Меҳрибон, деб чорлангиз. Қандай чорласангизлар-да (жоиздир). Зеро, У зотнинг гўзал исмлари бордир" ("Ал-Исро" сураси, 110-оят). Бу исмлар - 99 та. Улар мусулмон илоҳиётида муҳим ўрин тутди. Аллоҳ исмлари кўп дуоларда кўшиб айтилади. Одатда тасбиҳ доналари сони Аллоҳ исмлари сони билан тенгдир. Ҳамма исмлар Қуръоннинг турли жойларида учрайдиган Аллоҳ сифатларидан келиб чиқади ва улар билан боғланган феълларидан ҳосил бўлган. Бу исмларнинг баъзилари ва уларнинг мазмуни қуйидагача: 1. Аллоҳ - Тангри, Маъбуди барҳақ. 2. Ар-Раҳмон - ўта меҳрибон. 3. ар-Раҳим - жуда раҳмли. 4. ал-Малик - подшоҳ. 5. ал-Қуддус - нуқсонлардан холи. 6. ас-Салом - офат ва балолардан саломат. 7. ал-Муъмин - амонли ва омон берувчи. 8. ал-Муҳаймин - эгаллаб, қоплаб олувчи. 9. ал-Азиз - иззат ва қудрат соҳиби. 10. ал-Жаббор - бандалари ишини ислоҳ этувчи. 18. ар-Раззоқ - барча тирик мавжудот ризқини етказиб берувчи. 19. ал-Фаттоҳ - кушойиш берувчи, раҳмат хазиналарини очувчи. 20. ал-Алим - билувчи, доно, илм соҳиби. 27. ас-Самиъ - махфий ва ошкора гап ва шарпаларни, ҳатто дилдан ўтганини ҳам эшитувчи. 28. ал-Басир - ҳамма махфий ва ошкора нарсаларни кўрувчи. 30. ал-Адл - ўта адолатли. 35. ал-Ғафур - гуноҳларни яшириб, жазо бермай турувчи. 49. ал-Мажид - неъмат ва эҳсон бепоян. 61. ал-Муҳий - тирилтирувчи. 62. ал-Мумит - ўлдирувчи. 63. ал-Ҳай - тирик. 64. ал-Қайюм - ўз-ўзидан турувчи, бошқаларни турғизувчи. 69. ал-Қодир - қудратли. 88. ал-Ғаний - бой, эҳтиёжсиз. 96. ал-Боқий - доимий, абадий мавжуд. 97. ал-Ворис - борлиқни мерос қилиб олувчи. 98. ар-Рашид - барча иш ва тадбирлари тўғри чиқувчи. 99. ас-Сабур - гуноҳкор-исёнкорларга жазо беришга шошилмайдиган зот.

Қазо ва қадар. Исломда мўъмин-мусулмонлар эътиқод қилиши лозим бўлган масалалардан бири, унинг асосий ғояларидан. Уламолар «қазо» ва «қадар»ни қуйидагича таърифлайдилар: «Қазо – Аллоҳ таолонинг ҳамма нарсаларнинг келажақда қандоқ бўлишини азалдан билишидур». «Қадар – ўша нарсаларнинг Аллоҳнинг азалий илмига мувофиқ равишда вужудга келишидир».

Булардан ташқари исломнинг билим эгаллаш, маърифатли бўлиш, инсонпарварлик каби ғояларини алоҳида кўрсатиш мумкин.

Муҳокама учун саволлар:

1. Исломнинг асосий ғояларини санаб беринг ва уларни таҳлил қилинг.
2. Ваҳдоният ва тавҳидни тушунтиринг. Мазкур ғояларнинг исломни ёйилишида тутган ўрнини баҳоланг.

3. Қазо ва қадар нима?
4. Ал асмо ал-Хусно нима?

2-асосий савол бўйича дарс мақсади: Талабаларга исломнинг урф-одат ва маросимларини, дин арконларини тушунтириш, уларни таҳлил қилиш ва баҳолашга ўргатиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- 2.1. Исломнинг асосий ақидаси ва инсон амалларини билади.
- 2.2. Исломнинг асосларини билади.
- 2.3. Дин арконлари атамасини тушунади.
- 2.4. Иймон, ислом ва эҳсонни фарқлайди.

2-асосий саволнинг баёни:

Исломнинг асосий ақидаси – тавҳид ғояси бўлиб, умуман, исломда ҳар қандай кишининг амаллари қуйидаги таснифдагилардан бирининг ичида бўлади:

Фарз, вожиб, мустаҳаб, суннат, мубох; мустакраҳ; макруҳ; ҳаром.

Анъанавий суннийлик асосидаги илоҳиётда ислом уч нарсадан иборат эканлиги асосланади. Булар иймон, ислом ва эҳсондир.

1. Иймон етти қисмдан иборат бўлиб, иймони муфасссал калимасида ўз аксини топган. Яъни инсон соф мусулмон бўлиши учун етти нарсага қатъий, комил ишончда бўлмоғи керак:

- Аллоҳга иймон. Яъни унинг зоти ва исми-сифатлари (Ал Асмо ал-Хусно) билан танишлик, унинг яратувчиликда, комилликда, холиқликда ягона эканлигига, ҳеч қандай шериксиз оламларни бошқариб туришига, вақт, макон ва ҳаракат унинг измида эканлигига сўзсиз ва шубҳасиз ишониш. Иймоннинг сифатлари, унинг шартлари ислом уламолари томонидан кенг тадқиқ этилган.

- Фаришталарга иймон. Бу ерда фаришталарнинг Аллоҳ томонидан нурдан яратилганлигига, уларнинг ҳеч қачон гуноҳ ишлар бажармаслигига, улар Аллоҳнинг етук махлуқлари эканлигига ишониш назарда тутилади. Энг машҳур тўрт фаришта бўлиб (Жаброил-пайғамбарларга ваҳий олиб боровчи, Исрофил-сур эгаси, Мекоил-коинотни моддий таъминловчи ва Азроил-жон олгувчи), улардан ташқари сон-саноксиз фаришталар борлигига ишониш лозимлиги уқтирилади. Хусусан, ҳар бир кишининг икки елкасида икки муаккал фаришта ўтиради, улар инсоннинг ҳар бир қилган амалини савоб ёки гуноҳга лойиқлигини ёзиб борадилар.

- Муқаддас китобларга иймон. Ҳар бир муслим Аллоҳ томонидан турли пайғамбарларга илоҳий дастур – муқаддас китоблар юборилганлигини тан олиши керак. Бу китоблар бир қанча бўлиб, ҳар бири ўз даврида маълум бир қавмга пайғамбарларга ваҳий орқали юборилган, ўз вақтида уларнинг ҳукми бажарилишга мажбурий бўлган. Фақатгина Муҳаммад(ас)га Қуръон нозил қилингандан сўнг барча аввалги китобларнинг ҳукми бекор қилинган. Иккинчидан, мазкур муқаддас китобларнинг матнига айрим ҳукмдорлар, шайтон йўлдан оздирган уламоларнинг таъсирида айрим ўзгаришлар киритилган. Шу

сабабли уларнинг ҳукми бекор қилинган. Қуръонда мазкур муқаддас китоблардан Таврот, Забур, Инжил ҳақида маълумот берилган.

- Расул-пайғамбарларга иймон. Аллоҳ ўзининг ҳақ йўлини кўрсатиш учун инсонлар орасидан айримларини танлаб олиб, ўзи ва бандаларининг ўртасида восита-боғловчи қилиб танлаган. Қуръонда улардан 25 таси ҳақида маълумот берилган бўлиб, Муҳаммад (ас) уларнинг энг мукаммали ва сўнггисидир.

- Охират кунига иймон. Қуръоннинг кўплаб оятларида охират кунининг таърифи берилган. У кунда барча инсонлар қайта тирилиб, Машҳаргоҳ майдонига йиғиладилар, ўзларининг қилган ишлари тўғрисида ҳисобот берадилар.

- Тақдирга иймон. Яхшилик ва ёмонликнинг Аллоҳдан эканлигини эътироф этиш. Ҳеч қайси инсон ўзи ёки бошқа бирор кимсага Аллоҳнинг изни ва тақдирдан ташқарида фойда ҳам, зарар ҳам етказа олмайди.

- Қайта тирилишга иймон. Қиёмат куни барча даврларда ва мамлакатларда яшаган кишилар қайта тирилиб, ҳаётлари даврида қилган яхшиликлари ёки ёмонликлари учун етарли ва тўғри «жазо» оладилар. Кимгадир абадий роҳат ва жаннат боғлари, яна кимгадир дўзах ўти ва азоблари белгиланади.

2. Ислом беш асосга қурилгандир. Мазкур беш асос «Аркони дин»- «дин рукн-устунлари» деб ном олган. Улар қуйидагилар:

- Иймон. Юқорида унга тўхталиб ўтдик.

- Намоз. Ҳар бир мусулмон бир кунда беш марта намоз ўқиши-ибодат қилиши шарт: тонгда, чошгоҳда, кун оғиши билан, кун ботганда ва тунда. Кунлик беш вақт намоздан ташқари Жума куни чошгоҳ намози ўрнига эркаклар жомеъ масжидларида жума намозини адо этадилар. Булардан ташқари йилда икки Ҳайит байрамларида Ийд намозлари, Жаноза намози, таҳажжуд ва нафл намозларини адо этиш мақсадга мувофиқ саналади.

- Рўза. Бир йилда бир марта, рамазон ойида субҳдан то шомгача ихтиёрий ейиш-ичишдан, жинсий яқинликдан, ёмон сўзлардан тийилиш.

- Закот. Ҳар бир мусулмон ўзининг топган маблағидан 2,5 % ни Аллоҳ йўлида етим-есирларга, тиланчи-гадоларга, мусофирларга, мискин-бечораларга бериши шарт.

- Ҳаж. Имкон қадар ҳар бир мусулмон умрида бир марта Ҳаж зиёратини адо этиши лозим саналади. Бу Макка шаҳрига – хонаи Каъба ва унинг атрофида маълум бир амалларни бажариш ва қурбонлик қилиш билан собит бўлади.

3. Эҳсон. Пайғамбардан ривоят қилинган ҳадисларда эҳсон нима эканлиги қуйидагича келтирилган: Эҳсон – ҳар бир ишни фақатгина Аллоҳ йўлида, чин ихлос ва ишонч билан, ибодатни худди Аллоҳни ўзини кўриб тургандек кўрқув ва умид билан бажариш. «Гарчи сен уни кўрмасанг ҳам, у сени кўриб турибди» деб ҳикоя қилинади ҳадисларда.

Муҳокама учун саволлар:

1. Исломнинг ақидасига кўра инсоннинг амаллари қандай гуруҳларга ажратилади?

2. Иймоннинг шартларини санаб беринг. Сизнингча, мазкур шартлар нималарга асосланади?

3. Дин арконлари нима? Уларни санаб беринг ва таҳлил қилинг.

4. Иймон, ислом ва эҳсоннинг маъносини тушунтиринг.

3-асосий саволнинг баёни:

Ақидаларга иймон келтириб, ўз маънавий ҳаёти давомида эътиқодли диндор албатта диний урф-одатларга амал қилади ва ҳаёт тарзини шу йўл билан амалга оширади. Кишилар томонидан амалга ошириладиган ишлар заруриятига кўра шариат асосида бажарилиши шарт, лозим, бажарилиш-бажарилмаслиги фарқсиз турли кўринишларга бўлинади.

Исломда дунё неъматларидан баҳраманд бўлиш, оила таъминоти масаласига ҳам жиддий эътибор берилган. Ислом динига хос бўлган “иқтисоб” тушунчасида бу дунё неъматларига эришиш кўзда тутилади. Унга кўра ҳар бир мусулмон киши ўзи ва яқинларини зарурий нарсалар билан таъминлаш учун ҳаракатда бўлиб, турли ҳунар, деҳқончилик каби фаолият олиб бориши ёхуд савдо-сотик билан шуғулланиши керак бўлади. Иқтисоб Аллоҳнинг марҳаматига умид қилиб (таваккул), ўзини ўзи таъмин этишдан воз кечувчи тақводан афзалдир. Ўз нафсини барча нарсадан тийиш ҳам қораланади.

Ислом динида ибодат. Ислом динида ибодатга алоҳида эътибор қилинади. Ибодат сўзи араб тилидан таржима қилинганда қуллуқ қилиш, бўйсунуш, ўзини паст олиш, итоат қилиш маъноларини беради. Ибодат асосан Аллоҳга нисбатан бўйсунуш, итоатда бўлишдир. Аллоҳга бўлган эътиқод ва муҳаббатни ифодалаш ҳамда амалда исботлаш учун қилинадиган барча ботиний ва зоҳирий амаллардир. Ибодатда ҳам фарз, вожиб, суннат, мустаҳаб даражалари мавжуддир.

Бундан ташқари яна бир неча исломий маросимларни кўрсатиб ўтишимиз мумкин:

Амри маъруф, тўлиқ шакли амри маъруф ва наҳий мункар – яхшиликка буюриш, ёмонликдан қайтариш. Фарзи айнлардан бири. Мусулмонлар бир-бирларини ҳақ йўлига, яхшилик ва гўзал ахлоққа чақириши, шунингдек, нотўғри йўлдан қайтариш, ёмонлик ва гуноҳ ишларнинг олдини олишга чорлаш Аллоҳ томонидан фарз қилинган. Қуръони каримда: «Сизлардан яхшиликка даъват этадиган, амри маъруф ва наҳий мункар қиладиган бир тоифа кишилар бўлсин. Айнан улар нажот топувчилардир» (3: 104) дейилади.

Ашуро. Суннийликда ашуро куни одатда табаррук саналардек ўтади, айрим ҳолларда ашур оши тарқатилади. Шиаликда халифа аоининг ўғли Хусайннинг Карбало яқинидаги жангда ҳалок бўлганлиги хотирасига ўтказиладиган маросим. Аслида ҳижратдан сўнг дастлабки пайтларда, муҳаррам ойининг дастлабки ўн кунлигида тутилган рўза. Кейинроқ Рамазон ойида рўза тутиш фарз бўлган, ашуро рўзасини тутиш ихтиёрий деб эълон қилинган.

Ақиқа – мусулмон оилаларида янги туғилган болага исм қўйиш ва «қорин сочи»га қайчи уриш билан боғлиқ одат. Одатда бита, айрим ҳолларда ундан ортик соғлом қўйни қурбонликка сўйиб, дастурхон тортилади. Ислом анъанасида ақиқа чақалоқ туғилган куннинг 7, 14, 21 кунлари ўтказиш тавсия этилади. Бу кунларда бажарилмай қолса, қайси кунда, қачон амалга оширилса ҳам вазифа бажарилган ҳисобланаверади.

Садақа – арабчада «чин дилдан қилинган эҳсон» маъносини англатади. Садақа бериш ҳақида Қуръонда ҳам айтиб ўтилган. Садақа бериш ҳар бир имкони

бор мусулмон учун зарур ҳисобланади, бу амал мандуб амалларга киради. Бировга садақа бериш имконияти йўқ бўлган кишилар садақа олишлари мумкин.

Жаноза – исломда дафн этиш маросими. Қуръонда жаноза тўғрисида ҳеч қандай кўрсатма берилмаган. Фикҳга оид асарларда жанозага батафсил тавсиф берилган. Жаноза маросими турли ислом мамалакатларида турлича бўлиб, мазкур халқларнинг исломгача даврдаги урф-одат ва анъаналари билан қоришиб кетган. Жаноза маросимининг асосий нуқтаси – жаноза намози бўлиб, у майит учун жамоат бўлиб ўқиладиган намоздир. Ўз жонига қасд қилганлар ва динсизларга жаноза намози ўқилмайди (9:84-85).

Адабиётлар рўйхати:

1. Абдусамедов А. Диншунослик асослари. Т.: 1995.
2. Жўраев У., Саиджонов И. Дунё динлари тарихи. Т.: 2002.
3. Қуръони карим. Т.: 2001.
4. Жабборов И., Жабборов С. Жаҳон динлари тарихи. Т.: 2004.
5. Имомназаров М. Миллий маънавиятимизнинг такомил босқичлари. Т.: 1996.
6. Ислом. Энциклопедия. Т.: 2004.
7. Қуръон ҳикоятлари. Т.: 2002.
8. Муҳаммад Зоҳид Қутқу ибн Иброҳим ал-Бурсавий. Аҳли суннат вал-жамоат ақоиди. Т.: 1998. – 143 б.
9. Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Ҳадис ва ҳаёт.
10. Убайдуллоҳ ибн Маъсуд. Мухтасар (Шариат қонунларига қисқача шарҳ). Т.: 1994. – 336 б.

5-мавзу : Ислом динидаги йўналишлар, мазҳаблар ва оқимлар

Фанни ўқитиш технологияси:

“Ислом динидаги йўналишлар, мазҳаблар ва оқимлар” мавзусидаги маъруза машғулотининг технологик харитаси

Т/ Р	Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи шахс, вақт
1	Тайёрлов босқичи: 1.1 Дарс мақсади: Талабаларга илк ислом давридаги ҳаёт, ислом давлатининг бўлиниб кетиши ва унинг сабаблари, ислом йқналишлари, улар ўртасидаги асосий фаркли ва ўхшаш томонлари, суннийли мазҳаблари ва мазҳаббошилар шахси ва фаолияти ҳақида, шунингдек, эътироф этилмаган диний оқимлар, уларнинг жамият ҳаётига таъсири ҳақида маълумотлар бериш. 1.2. Идентив мақсадлар: 1.2.1. Исломнинг йўналишларга ажралиб кетиши сабаблари ва оқибатларини билади. 1.2.2. Суннийлик, унинг моҳияти ва мазҳаблари, мазҳаб асосчиларининг ҳаёти ва илмий меросини изоҳлайди 1.2.3. Исломдаги эътироф этилмаган оқимларни санай олади. 1.2.4. Исломдаги оқимларнинг зарарли ғояларини тушунтира олади.	Ўқитувчи

	1.3. Асосий тушунча ва иборалар: ваҳдоният, тавҳид, яккахудолик, ал-Асмо ал-Хусно, казо ва қадар, ширк, фарз, вожиб, суннат, мубоҳ, савоб, гуноҳ, иймон, намоз, рўза, закот, ҳаж, дин арконлари. 1.4. Дарс шакли: гуруҳ ва микрогуруҳларда. 1.5. Фойдаланиладиган метод ва усуллар: суҳбат, маъруза-ҳикоя, баҳс, видеоусул. 1.6. Керакли жиҳоз ва воситалар: Кўргазмали қуроллар, харита, тарқатма материаллар.	
2	Ўқув машғулоти ташкил қилиш босқичи: 2.1. Мавзу эълон қилинади. 2.2. Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади.	Ўқитувчи, 15 минут
3	Гуруҳда ишлаш босқичи: 3.1. Талабаларга муаммоли савол беради. 3.2. Талабалар фикри эшитилади, бошқа талабалар баҳсга чақирилади. 3.3. Умумий хулосалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади. 3.4. Умумий хулосага келинади.	Ўқитувчи-талаба, 40 минут
4	Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи: 4.1. Берилган маълумотни талабалар томонидан ўзлаштирилганини аниқлаш учун қуйидаги саволлар берилади: - Нима учун мусулмонларни “сунний”, “шиалар” деб атайдилар? - Ислом давлатининг бир неча гуруҳларга ва йўналишларга ажралиб кетиши ҳақида нима биласиз? - Сунний мазҳабларни санаб беринг? - Сунний мазҳаблар асосчилари ва уларнинг машҳур асарларини санаб беринг? - Исломдаги эътироф этилмаган оқимлардан қайсиларини биласиз? - Эътироф этилмаган оқимлардан қайсилари Ўзбекистонда фаолият юритган? Уларнинг зарарли ғоялари ҳақида гапириб беринг. 4.2. Энг фаол талабалар (баҳолаш мезони асосида) баҳоланади.	Ўқитувчи, 15 минут
5	Ўқув машғулоти яқунлаш босқичи: 5.1. Талабалар билими таҳлил қилинади. 5.2. Мустақил иш топшириқлари берилади. 5.3. Ўқитувчи ўз фаолиятини таҳлил қилади ва тегишли ўзгартиришлар киритади.	Ўқитувчи, 10 минут

Асосий саволлар:

1. Исломдаги асосий йўналишлар.
2. Сунний мазҳаблар.
3. Эътироф этилмаган оқимлар.

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар: исломдаги бўлиниш, суннийлик, шиалик, хорижийлик, мазҳаблар, ҳанафийлик, ханбалийлик, шофеъийлик, моликийлик, исломдаги оқимлар, ваҳҳобийлик, ҳизбут-тахрир, акромийлар, толибонлар.

1-асосий савол бўйича дарс мақсади: Талабаларга ислом умматининг бўлиниб кетиш сабабларини ва унинг оқибатларини тушунтириш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- 1.1. Исломдаги бўлиниш сабабларини билади.
- 1.2. Суннийликнинг моҳиятини тушунади.
- 1.3. Шиаликнинг манбаларини билади.
- 1.4. Суннийлик ва шиаликдаги фарқларни билади.

1-асосий саволнинг баёни:

Жаҳон динлари, жумладан ислом эволюциясининг муайян босқичларида ҳар хил йўналиш, оқим, секта ва мазҳабларга бўлинган. Бунинг сабаблари 1-дан, буларда бир-бирига зид ғоя, таълимот, дастурлар кўп бўлган; 2-дан, бу динлар тарқалган ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий кураш кучайган; 3-дан, бу динларга ишонадиган ҳар хил халқларнинг моддий, сиёсий манфаатлари, маданий ривожланиш даражалари ҳар хил бўлган. Исломда VII асрнинг 2-ярмидаёқ энг аввал хорижийлар йўналиши шаклланган; ундан сўнг ислом 2 йирик оқим - суннийлик ва шиаликка ажралган; мусулмонлар орасидаги ихтилофлар диний таълимот масалаларида бундай ажралишга сабаб бўлган; шу билан бирга ислом шаклланганда уруш-жанжаллар узлуксиз содир бўлиб турган; булар шу диннинг бирлиги, яхлитлигига путур етказиб, унинг бўлинишларига сабаб бўлган.

Исломдаги асосий бўлинишларни қуйидагича тавсифлаш мумкин:

1. Ақидавий таълимотлар:

- Имомия.
- Ибодия.
- Зайдия.
- Муътазила.
- Ашъария.
- Мотурудия.

2. Фикҳий мазҳаблар:

2.1. Шиалик.

- Зайдий.
- Жаъфарий.
- Исношарий.

2.2. Аҳли сунна вал жамоа.

- Ҳанафий - аҳли раъй.
- Моликий - аҳли ҳадис.
- Шофеъий - аҳли ҳадис.
- Ҳанбалӣ - аҳли ҳадис.
- Табарӣ – ҳозирда мавжуд эмас.
- Зоҳирӣ - ҳозирда мавжуд эмас.
- Авзоӣ - ҳозирда мавжуд эмас.

Суннийлик исломда собиткадам, изчил, барқарор ҳисобланган оқимдир. Мусулмонларнинг 92,5 фоизи шу оқим тарафдоридир. Сунна араб тилида «одат», «анъана», «амалий ҳаракат» маъноларини берувчи сўздан олинган. Сунна деб Муҳаммад (сав) ҳадислари тўпламини айтадилар. Суннат эса фарздан фарқли ҳолда бажарилиши ихтиёрий бўлган дастур, амал, кўрсатмадир. Суннийлар

Қуръондан кейинги асосий муқаддас манба Сунна - ҳадислар тўплами деб ҳисоблайдилар.

Шиалик гуруҳ, партия, тарафдор деган маъноли арабча «Шиа» деган сўздан олинган. У VII асрнинг 2-ярмида махсус сиёсий гуруҳ сифатида юзага келган. Шиалик ҳалифа Али тарафдорларини ўз доирасига олган бўлиб, у ғоят кўп секталарга бўлиниб кетган. Булар орасида исмоилийлар энг йириги бўлиб, ҳозир тахминан 35 млн.га яқин аъзога эга, уларга оғахонлар деб аталган диний арбоблар етакчилик қилади.

Шиалар Суннани тан олмайдилар, уларнинг «Ахбор» - хабарлар номли ўз муқаддас ёзуви бор; улар мусулмонларнинг танҳо ҳокими Алидир, ҳукмронлик қилиш ҳуқуқига фақат унинг авлодлари ҳақлидирлар, деб даъво қилганлар. Шунинг учун уларда Алига топиниш, уни ҳаддан зиёда улуғлаш, суннийларда эса Муҳаммадни эъзозлаш доим рақобат объекти бўлиб келган.

Шиалар эътиқодида улар учун энг асосий масала «ғойиб бўлган», «яширинган» 12-имомдан мадад сўраш, топиниш билан боғлиқ ғоядир. Унга кўра, IX аср охирида яширинган имом Маҳди бу дунёга бир кун қайтиб келиб, тенглик, озодлик, адолат, фаровонлик, тинчлик, бахт-саодат ўрнатишига ишонишдир.

Аслида бундай бўлиши сира мумкин эмас. Бундай диний тарғиботдан мақсад оддий диндорларда ҳаётга бепарволикни туғдириш, ижтимоий тенгсизлик ва унинг оғир оқибатларига чидаш, ҳаёлий «Халоскор»нинг қайтиб келишига, унинг роҳат-фароғат бахш этишига умид боғлаб, курашдан чалғитишдан иборатдир.

Шиалар шаҳидларга, хусусан Ҳусайн руҳига эътиборлидирлар; бундай сиғиниш «шахсей-вахсей» деган машаққатли, мураккаб одатда ифодаланади; мутаассиб шиалар ашуро-мотам кунларида ўзларини аёвсиз қийноққа соладилар, Ҳусайн руҳига нолалар қиладилар, мотам тутадилар.

Исломда суфийлик оқими ҳам бор; бу йирик оқим тасаввуф деб ҳам аталади; у диний-мистик фалсафий оқим бўлиб, таълимотининг асосий масаласи исломга, Аллоҳга муносабатдир; у зоҳидлик ва мистик, яъни мўъжизаларга ишонишга асосланган. Суфийлик хилма-хил таълимот бўлиб, у Марказий Осиёда нақшбандийлик, яссавийлик, кубровийлик, Кавказда муридлик, Татаристонда воисовчилик ва ҳоказо турларда тарқалган.

Муҳокама учун саволлар:

1. Исломнинг бўлиниб етиши сабаблари тўғрисида фикрларингизни билдиринг.
2. Шиалик ва суннийлик орасидаги фарқларни аниқланг.
3. Хорижийлар кенг тарқалган ўлкаларни каталогини тузинг.

2-асосий савол бўйича дарс мақсади: Талабаларга суннийликдаги асосий мазҳаблар тўғрисида маълумотлар бериш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- 2.1. «Мазҳаб» сўзининг маъносини билади.
- 2.2. Фикҳий мазҳабларни санайди.

2.3. Мазҳабларнинг ўзаро мос ва номуносиб томонларини билади.

2.4. Мазҳаб асосчиларининг асарларини санайди.

2-асосий саволнинг баёни:

Исломдаги секталарни суннийликдаги илоҳиётга, ҳуқуққа хос бўлган ҳанафий, шофеъий, моликий, ҳанбалий каби мазҳаблар билан аралаштириб юбориш мумкин эмас.

Ислом секталари мусулмонларнинг диний уюшмаларидир; улар жуда кўп бўлиб, мусулмон мамлакатларининг қарийиб барчасида мавжуддир; чунончи, суннийлардан ажралиб чиққан аҳмадий, алавий, ибодий, идрисий, қодирий, муридий, рашидий, тижоний, ҳамолий, жадилий ва бошқалар шулар жумласидандир. Шиалардан ажралиб чиққанлари эса хорижий, исмоилий, зайдий, низорий, друзлар, баҳой ва бошқалардир.

Исломда оқим, мазҳаб, секталарнинг кўплиги бошқа жаҳон динлари каби у ҳам монолит, яъни яхлит, ягона таълимот эмаслигидан, ундан турли синф, ижтимоий табақа, диний партиялар манфаатдорлигидан далолат беради.

XIX аср охири ва XX аср бошларида мусулмон мамлакатларида юз берган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётдаги ўзгаришлар, ислом атрофида юз берган диний, дунёвий тортишув, зиддият ва манфаатлар унга ёндошишда ҳам ўз аксини топган. Натижада ислом модернизми, ислом традиционализми, ислом фундаментализми каби янги атама ва уларнинг моҳиятидан келиб чиққан асоқимлар пайдо бўлди.

Энди суннийлик йўналишга хос бўлган тўрт асосий мазҳаблар тўғрисида батафсилроқ тўхталиб ўтамиз.

Суннийлик йўналиши «Аҳли сунна вал жамоа» деб аталади ва тўрт фикҳий: ҳанафий, шофеъий, моликий, ҳанбалий ва иккита ақидавий : ашъарий ва мотурудий мазҳабларидан иборат. «**Мазҳаб**» сўзи араб тилида йўналиш, оқим, йўл, таълимот деган маъноларни беради. VIII-IX асрга келиб шариатнинг шаклланиши жараёнида ҳуқуқшунослик – фикҳ соҳасида жуда кўп мазҳаблар юзага келган. Юқорида таъкидланганидек, ҳозирда суннийликда тўртта мазҳаб – ҳанафийлик, моликийлик, шофеъийлик, ҳанбалийлик мавжуд бўлиб уларнинг номлари асосчиларининг исмларидан олинган.

Бугунги кунда дунёдаги 1,5 млрд. мусулмон аҳолининг 92,5 % ни суннийлар ташкил этиб, улар мазҳаблар бўйича қуйидаги нисбатда бўлинганлар: ҳанафийлар – 47% ; шофеъийлар – 27% ; моликийлар – 17% ; ҳанбалийлар – 1,5 %. Шиа йўналиши исмоилий, ибодий, жаъфарий, зайдий мазҳабларини ўз ичига олиб, мусулмонларнинг 7,5%ни ташкил қилади.

Машҳур фақиҳ уламолар ижтиҳодлари воситасида муомалатни ишлаб чиқдилар. Фикҳ таркиб топиш даврида Ироқ (Бағдод)да – Нуъмон ибни Собит абу Ҳанифа (ваф. 767) ва Мадинада – Молик ибни Анас (ваф. 795) фаолият кўрсатдилар. Кейинроқ IX-X асрларда Мухаммад ибн Идрис аш-Шофеъий (ваф. 810) ва Аҳмад ибн Ҳанбал (ваф. 855) каби бошқа бир қанча мужтаҳидлар ижтиҳод қилишди. Лекин XIV асрга келиб суннийликда фақат шу тўрт мазҳаб қолди. Олимларнинг юқоридаги фикрлари уларнинг шогирдлари ва ҳамфикрлари қалами орқали бизгача етиб келган:

Ханафийлик. Ҳуқуқшунослик марказларидан бири Ироқдаги Куфа шаҳри бўлган. Пайғамбаримизнинг саҳобаси Абдуллоҳ ибн Масъуд (653 йилда вафот этган) у ерга фақиҳ ва муаллим сифатида Халифа Умар томонидан юборилган эди. Унинг талабалари фуқаҳо сифатида тан олинди ва уларнинг энг машҳурларидан бири Ҳаммод ибн Аби Сулаймон (738 йилда вафот этган) мазкур мазҳабга ном берган Абу Ҳанифанинг устози бўлган. Абу Ҳанифа (699—767) насли эронлик, асли эса куфалик бўлиб ўзининг исми **Нўъмон ибн Собит** эди.

Унинг шогирдларидан «Ас-Соҳибон» деб номланган Абу Юсуф (731-798) ва Муҳаммад ибн Ҳасан аш-Шайбоний (749~804)лар мазҳаб таъсирини ўз асарлари ва аббосийлар давлатидаги юксак мақомлари туфайли кенг масофаларга ёйишга эришдилар. Абу Юсуф ёзган олти китоб («Ал-Мабсут», «Ал-жоми ал-кабир», «Ал-жоми ас-сағир», «Ас-сияр ал-кабир», «Ас-сияр ас-сағир» ва «Аз-зиёдот») Х асрда Абу-л-Фадл ал-Марвазий (Ал-Ҳоким аш-Шаҳид номи билан маълум аллома) томонидан «Ал-Кофий» унвони билан бир жилдга тўпланади.

Моликийлик. Бу мазҳаб Арабистон ярим оролида ривож топиб, дастлаб Ҳижоз ёки Мадина мазҳаби сифатида номланган ва унинг ақоиди кўпинчалик Умар ибн Хаттоб, Абдуллоҳ ибн Умар, Зайд ибн Собит, пайғамбарнинг амакиси Аббос ва умр йўлдоши Оиша фаолияти билан боғланади. Машҳур намояндалари орасида Жаъфар ас-Содиқ (765 йилда вафот этган) ҳам мавжуд бўлиб, кейинчалик у шиаликнинг жаъфария мазҳабига ном берган. Молик ибн Анас ал-Асбахий 713 йили Мадинада камон ўқлари ясовчи оилада таваллуд топиб, ўзи ипак матолари савдоси билан шуғулланган. Болалигидан қариндошлари кўлида иломий илмларни ўрганган, шу ерда вафотига қадар яшаган (795) ва уни фақат Маккага ҳажга бориш учунгина тарк этган. Пайғамбар, саҳобалар ва тобеинларнинг фикҳга оид қарашлари, қарорлари ва қавллари «Ал-Муваттаъ» китобида жамлаган.

Моликий мазҳаби ҳозирги кунларда ҳам Марокаш, Жазоир, Тунис, Ливияда етакчи мазҳаб сифатида сақланиб келмоқда. Шунингдек, у юқори Миср, Судан, Баҳрайн, Бирлашган Араб Амирликлари ва Қувайтга ўз нуфузини ёйди. Бошқа бир неча мамлакатларда ҳам моликий мазҳабининг муайян издошлари мавжуд.

Бу мазҳабнинг асосий иқтибос келтириладиган асари Асад ибн ал-Фурот томонидан жамланган «Ал-Мудаввана» бўлиб, кейинчалик Сахнун томонидан «Ал-Мудаввана ал-кубра» номи остида қайта таҳлил этилади. Ибн Аби Зайд ал-Қайравонийнинг (996 йилда вафот этган) «Ар-Рисола» кичик ҳажмли асари ҳам диққатга сазовор бўлган.

Шофиъийлик. Бу мазҳаб жуғрофий минтақа маҳсули бўлмасдан, икки ўзга мазҳаб билан яқиндан таниш, пайғамбар аждоди Ҳошимнинг акаси ал-Муталлиб авлодидан бўлган Муҳаммад ибн Идрис ибн ал-Аббос ибн Усмон ибн Шофиъий унинг асосчиси ҳисобланади. Шофиъий 767 йили Фаластин (Ғазза)да туғилиб, 820 йили Мисрда вафот этди. Шофиъий «Ал-Умм» номли китоб ёзиб (баъзи маълумотларга кўра, шогирди ар-Рабий ибн Сулаймон (884 йилда вафот этган) ёзган) унда нафақат шофиъий мазҳаби назариясини ифодалайди, балки ўзга мазҳаблар орасидаги кўплаб фарқларни ҳам изоҳлайди. Мазкур етти жилдли китобга турли ҳуқуқий масалалар, Али ва Ибн Масъуд орасидаги ихтилоф, Шофиъий ва Молик қарашлари орасидаги фарқ киритилган, аш-Шайбоний томонидан Мадинанинг айрим назариялари рад қилинганлиги баён этилган.

Ҳанбалийлик. Бу шахсий мазҳаб, чунки асосан бир шахс - Аҳмад ибн Ҳанбалнинг ҳуқуқий қарашлари, қавллари ва фатволарини намоён этади. Ибн Ҳанбал 780 йили Бағдодда туғилиб, шу ерда 855 йили вафот этган. Ҳадис тўплаш ниятида Сурия, Ҳижоз, Яман, Куфа ва Басрага кўп саёҳат қилган ва 40000 дан ортиқ ҳадисни жам этган олти жилдли «Муснад ал-Имом Аҳмад» асарини яратган. Шунинг учун ва фикҳ бўйича ҳеч қақдай китоб ёзмагани туфайли кўплаб мусулмон уламолари уни фақиҳ эмас, кўпроқ муҳаддис деб биладилар. Бирок шогирдлари унинг ҳуқуқий қарашлари ва фатволарини туплаб, бу мазҳабга алоқадор ҳуқуқий тамойиллар ва қонунларни такомиллига етказдилар. У «исломни бидъатлардан қутқарувчи» деган ном олган, муътазиллийларга қарши очикдан-очик курашларнинг ташаббускори бўлиб майдонга чиққан.

Бу мазҳаб ўзгаларга нисбатан кўпроқ ҳадисларга таянади ва қонун асослари жиҳатидан фарқ қилади. Улар ҳадислар моҳиятини Қуръон оятлари мартабасигача кўтаришган. Ҳадисларга «қандай» деб савол бермасдан (била кайфа) тўғридан-тўғри ишониш зарур деганлар. Ҳанбалийларга биноан (Ибн Қаййум ал-Жавзийя - 1350 йилда вафот этган) фикҳ асослари бешта: 1. Қуръон ва сунна матнлари; 2. Саҳобаларнинг фатволари; 3. Қуръон ва суннага мувофиқ бўлса, айрим саҳобанинг қавллари; 4. Истиноди заиф ёки хабар берувчилар сони кам бўлган ҳадислар; 5. Мутлақо иложсиз қолганда, киёс бўйича ҳукм чиқариш.

Муҳокама учун саволлар:

1. Сунний мазҳаблар асосчиларининг асарларини санаб беринг.
2. «Аҳли раъй» ва «Аҳли ҳадис» гуруҳларига кирган мазҳабларни ажратинг.

3-асосий савол бўйича дарс мақсади: Талабаларга ҳозирда мавжуд бўлган эътироф этилмаган диний оқим, секта ва ташкилотлар тўғрисида маълумот бериш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- 3.1. Диний-сиёсий мазмундаги оқимларни билади.
- 3.2. Диний партияларнинг зарарли ҳаракатларини баҳолайди.
- 3.3. Ўзбекистон тараққиётига таҳдид солган диний секталар ҳаракатларини баҳолайди.

3-асосий саволнинг баёни:

Айрим эътироф этилмаган диний-сиёсий оқимлар:

Ваҳҳобийлик - XVIII асрда марказий Арабистоннинг Нажд воҳасида юзага келган. Асосчиси-Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб. Ваҳҳобийлар ўз даврида ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий шароитдан келиб чиқиб ғояларини илгари сурдилар. Биринчи навбатда Исломга киритилаётган янгиликларга (ижмоъга), яъни Қуръон ва ҳадисда бўлмаган масалаларни руҳонийлар фатвоси билан ҳаётда қўллашга қарши чиқади. «Исломга янгиликлар киритиш энг катта гуноҳдир», - дейди Муҳаммад Абдул Ваҳҳоб ўзининг ислом жамоалари қаршилигига учраган «Китоб ал-Тавҳид» асарида.

«Муҳаммад пайғамбар муслимларга фақат Қуръон ва суннани қолдирдим, деганлар, бироқ авлодларим ва мазҳаблар имомларини ҳам қолдирдим

демаганлар, - дея мулоҳаза қилади у, - демак, мусулмон одам саҳобалар, уламолар ва муҳаддисларнинг фикрларига қанчалик қарши чиқмасин, барибир Қуръон ва сунна талабларига мувофиқ комил мусулмон бўлиб қолаверади».

«Ҳизбут-таҳрир ал исломий» норасмий сиёсийлашган диний партия 1953 йилда Исроилда пайдо бўлган. Асосчиси-шайх Тақиюддин Набахоний (1909-1979) ўз қарашларини қуйидаги асарларида баён қилди:

«Ислом низоми».

«Исломий оламга қайноқ нидолар».

«Ҳизбут таҳрир»нинг тушунчалари» ва бошқалар.

«Ҳизут таҳрир» ташкилотининг асосий мақсади:

- тинч, осуда давлатда фуқаролар урушини бошлаш;
- мамлакат иқтисодини издан чиқариш;
- миллатлар ва динлараро низолар келтириб чиқариш;
- мамлакатга қурол-аслаҳа ва наркотик моддаларни олиб кириш;
- мустақил давлатни хорижий мамлакатларга қарам қилиш.

Сақофий ва **сиёсий** йўналишда иш олиб боради. Бу диний ташкилотининг кураш босқичлари:

1. Тасқиф. 2. Тафоул. 3. Инқилоб.

Таблиғчилар. «Таблиғ» арабча «Етқазаш» деб таржима қилинади ва таблиғчилар том маънода Аллоҳнинг каломини одамларга етказишларини аниқлатади. Бу оқимга ўтган асрнинг 20-йилларида Ҳиндистонда Муҳаммад Илём томонидан асос солинган. Ҳозирда Покистонда, айниқса, Қарачи шаҳрида кенг тарқалган. 90-йилларнинг бошларида Ўзбекистонга ҳам кириб келди.

Ақромийлар. Таҳминан 1997-1999 йилларда Фарғона водийсида вужудга келган диний-сиёсий ҳаракат. Унинг асосчиси Ақром 1960 йилда Андижон вилоятида туғилган Ақром Сотволдиевич Йўлдошев бўлиб, унинг издошлари Аллоҳгагина эътиқод қиладилар ва пайғамбарга иймон келтирмайдилар. Ақромийлар бугунги мавжуд барча тузумларни тан олмайдилар. Давлатга, қонун-қоидаларга, ота-онага эмас, балки фақат гуруҳ сардорига бўйсуниб лозим деб ҳисоблайдилар. Улар сиёсий ҳаракатларини 5 босқичда амалга оширишни мақсад қилганлар:

1. «Сирли», «махфий».
2. «Моддий» босқич.
3. «Маънавий» босқич.
4. «Ўзвий майдон».
5. «Тўнтариш».

«Тавба» Бокуда ҳожи Абдулла Озарбайжон асос солган. Ўзбекистонга 1991 йили кириб келган. Наманган шаҳрининг «Отауллоҳ» масжидида қирғистонлик Йўлдош Турғунбоев, наманганлик Абдували Йўлдошев, ва бошқалар ғайриқонуний ишлар қилганлар.

«Ислом уйғониш партияси» 1989-1991 йилларда фаолият кўрсатган. Уларнинг асосий мақсадлари мусулмон давлати барпо этиш.

«Ислом лашкарлари», «Адолат». 1990-1992 йиллар Наманган вилоятида «Отавалихон» жоме масжидида Абдулла Ўтаев, Тохир Йўлдошев бошчилигида

100-200 кишилик 60дан ортиқ гуруҳлар ташкил этилган. 1992 йил 17 мартдан апрель ойи охирларигача бўлган амалиётда уларнинг фаолияти тугатилган.

Муҳокама учун саволлар:

1. Қандай эътироф этилмаган диний оқимларни биласиз?
2. Сизнингча, ваҳҳобийликнинг жамият учун хавфи нималардан иборат?
3. Ўзбекистонда фаолият юритган ноқонуний диний ташкилотлар тўғрисида нималар биласиз?
4. Президентимиз И.Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида диний экстремизм ва фундаментализмга берилган баҳо ва таҳлиларни ўрганинг.

Адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: 1997.
2. Каримов И. Аллоҳ қалбимизда, юрагимизда. Т.: 1999.
3. Абдусамедов А. Диншунослик асослари. Т.: 1995.
4. Жўраев У., Саиджонов И. Дунё динлари тарихи. Т.: 2002.
5. Хусниддинов З. Ислом: йўналишлар, мазҳаблар, оқимлар Т.: 2000.
6. Абдуллажонов О. Диний ақидапарастликнинг келиб чиқиши, моҳияти ва Ўзбекистонга кириб келиши. Т.: 2000.
7. Абдурахмон Халлоф. Усул-ул-фикҳ. Т.: Адолат. 1998.
8. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари. Т.: 2004.
9. Ислом. Энциклопедия. Т.: 2004.
10. Қудратхўжаев Ш., Қирғизбоев А. Терроризм – тараққиёт кушандаси. Т.: 2002.
11. Муҳаммад Зоҳид Кутку ибн Иброҳим ал-Бурсавий. Аҳли суннат вал-жамоат ақоиди. Т.: 1998.
12. Муҳаммад Аваз ибн Садриддин Қоратоший. Мажмуат ул-аҳком Т.: 1993.
13. Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Ихтилофлар ҳақида. Т.: 2003.
14. Убайдуллоҳ ибн Маъсуд. Мухтасар (Шариат қонунларига қисқача шарҳ). Т.: 1994. – 336 б.

6-мавзу: Фикҳ-ислом қонуншунослиги

Фанни ўқитиш технологияси: “Фикҳ – ислом қонуншунослиги” мавзусидаги маъруза машғулотининг технологик харитаси

Т/ Р	Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи шахс, вақт
	Тайёрлов босқичи: 1.1 Дарс мақсади: Талабаларга фикҳ ва шариатнинг маъноси ва моҳияти ҳақида билимлар бериш. 1.2. Идентив мақсадлар: 1.2.1. «Фикҳ» атамасининг мазмунини билади. 1.2.2. Шариатнинг маъносини билади.	Ўқитувчи

1.2.3. Фикҳнинг аҳамиятини очиб беради. 1.3. Асосий тушунча ва иборалар: Фикҳ, шариат, фикҳ манбалари, Қуръон, ҳадис, ижмоъ, қиёс, истиҳсон, маслуҳатул мурсала, урф, истисҳоб, аввалги умматларнинг шариати, саҳобаларнинг йўли, фикҳий мактаблар, ҳанафийлик, шофеъийлик, ханбалӣйлик, моликийлик. 1.4. Дарс шакли: гуруҳ ва микрогуруҳларда. 1.5. Фойдаланиладиган метод ва усуллар: суҳбат, маъруза-ҳикоя, баҳс, видеоусул. 1.6. Керакли жиҳоз ва воситалар: Кўргазмали куруллар, харита, тарқатма материаллар.	
Ўқув машғулоти ташкил қилиш босқичи: 2.1. Мавзу эълон қилинади. 2.2. Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади.	Ўқитувчи, 15 минут
Гуруҳда ишлаш босқичи: 3.1. Талабаларга муаммоли савол беради. 3.2. Талабалар фикри эшитилади, бошқа талабалар баҳсга чақирилади. 3.3. Умумий хулосалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади. 3.4. Умумий хулосага келинади.	Ўқитувчи- талаба, 40 минут
Мустақамлаш ва баҳолаш босқичи: 4.1. Берилган маълумоти талабалар томонидан ўзлаштирилганини аниқлаш учун қуйидаги саволлар берилади: - Фикҳнинг маъносини ёритиб беринг. -Шариат нима? -Фикҳ ва шариат пайдо бўлишидаги асосий омилларни таҳлил қилинг. -Фикҳ ва шариатнинг биринчи тўрт манбаси тўғрисида фикр билдиринг. -Фикҳнинг манбаларини санаб беринг. -Сизнингча, нима учун урф шаръий ҳукм манбасига айлантирилган? 4.2. Энг фаол талабалар (баҳолаш мезони асосида) баҳоланади.	Ўқитувчи, 15 минут
Ўқув машғулоти яқунлаш босқичи: 5.1. Талабалар билими таҳлил қилинади. 5.2. Мустақил иш топшириқлари берилади. 5.3. Ўқитувчи ўз фаолиятини таҳлил қилади ва тегишли ўзгартиришлар киритади.	Ўқитувчи, 10 минут

Асосий саволлар:

- 1.Фикҳнинг моҳияти.
- 2.Фикҳ манбалари.
- 3.Фикҳ мактаблари.

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар: Фикҳ, шариат, фикҳ манбалари, Қуръон, ҳадис, ижмоъ, қиёс, истиҳсон, маслуҳатул мурсала, урф, истисҳоб, аввалги умматларнинг шариати, саҳобаларнинг йўли, фикҳий мактаблар, ҳанафийлик, шофеъийлик, ханбалӣйлик, моликийлик.

1-асосий савол бўйича дарс мақсади: Талабаларга фикҳ ва шариатнинг маъноси ва моҳияти ҳақида билимлар бериш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- 1.1. «Фикҳ» атамасининг мазмунини билади.
- 1.2. Шариатнинг маъносини билади.

1.3. Фикҳнинг аҳамиятини очиб беради.

1-асосий саволнинг баёни.

Фикҳ – чуқур тушуниш, билиш деган маънони англатади. Мусулмонларнинг хулқ-атвор меъёрлари тўғрисидаги ислом доктринаси, ислом ижтимоий меъёрлар мажмуаси, кенг маънодаги мусулмон ҳуқуқидир.

Фикҳни шакллантиришни, бир томондан, амал қилиб турган ҳуқуқ ва бошқа ижтимоий меъёрларни диний ақидаларга мослаштириш зарурлиги ва иккинчи томондан, илк мулкдорлар жамиятининг эндигина вужудга келган муносабатларини моҳият эътибори билан исломнинг диний-ахлоқий таълимотига асосланган қоидалар негизида тартибга солиш эҳтиёжлари тақозо қилар эди. Фикҳнинг қарор топиши Муҳаммад (сав) ҳадислари ва чорёрларнинг айтган гапларини ёзиб олиш билан бирга давом этди. Шу сабабли Фикҳга оид дастлабки асарлар (масалан, Зайд ибн ал-Ҳасаннинг "Мажмуа", Молик ибн Анаснинг "ал-Муваддо", Аҳмад ибн Ханбалнинг "ал-Муснад" асарлари), аслида ҳуқуқий мавзудаги тадқиқотлар эмас, балки муайян мавзуда танлаб олинган ҳадислардан иборат. Ҳадисларнинг бир тизимга солиниши Қуръон ва суннани оқилона талқин этиш орқали ҳал қилинадиган масалаларни белгилаб олиш ва шу тариқа фикҳни мустақил фан сифатида шакллантириш имконини берди.

Шариат меъёрлари атрофида кескин курашлар у юзага чиқарилган пайтдаёқ бошланган ва узоқ давом этган. Натижада шариатнинг таркибий қисми ҳисобланган фикҳ, сўнгра ижмоъ, қиёслар вужудга келган, сўнгра эса 4 та диний-ҳуқуқий мазҳаб - ҳанафий, моликий, шофиъий, ҳанбалий юзага келган. Буларнинг асосчилари йирик ҳуқуқшунослар бўлиб, шариатнинг муайян меъёрларини тавсифлаган, таҳлил этган, шароитга мослаган, зарарли жиҳатлардан уни тозаллаган; улар ўзлари мансуб бўлган ижтимоий гуруҳларнинг манфаатларига мослаб талқин этганлар.

Муҳокама учун саволлар:

1. Фикҳнинг маъносини ёритиб беринг.
2. Фикҳ ва шариат пайдо бўлишидаги асосий омилларни таҳлил қилинг.

2-асосий савол бўйича дарс мақсади: Талабаларда фикҳнинг манбалари тўғрисида билимлар ҳосил қилиш, фикҳ ва шариат манбаларини таснифлашга ўргатиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- 2.1. Шариатнинг заруратини англайди.
- 2.2. Фикҳ манбаларини фарқлайди.

2-асосий саволнинг баёни.

Фикҳнинг асосий манбалари ва усуллари тўғрисида тўхталамиз.

Қуръони карим. Қуръони карим тўғрисида махсус мавзуда фикр юритдик. Худди ана шу фикрларга асосланиб, уни исломнинг асосий манбаси эканлиги, ҳар қандай фикҳий масала биринчи навбатда унга кўра ечилиши асосланган.

Қуръон кишилар учун ҳужжат бўлиб, унинг ҳукмларини бажарилиши мажбурийдир. Уни илоҳий қонун деб қаралишига далил – унинг Аллоҳ ҳузуридан

кишиларга ҳеч шубҳага ўрин қолмаган ҳолда нозил бўлганлигидир. Иккинчидан, унинг Аллоҳ ҳузурида нозил бўлган эканлигига яна бир далил – кишиларни айнан Қуръонга ўхшаш бирор нарса келтиришдан ожиз қолдирганлигидир.

Суннат. Ислом фикҳи ва шариатининг иккинчи асосий санбаси – суннатдир. Суннат, унинг таърифи ва маъноси тўғрисида 3-мавзуда фикр юритганмиз. Пайғамбар (ас)дан содир бўлган ҳар бир сўз ёки қилинган иш ёхуд тақрирлар, агар улардан кишилар эргашишсин, деган маънода шаръий қонун чиқарилиб, бизга саҳиҳ ривоятлар билан етиб келган бўлса, ҳужжат ҳисобланишига мусулмонлар иттифоқ қилганлар. Айни чоқда суннат шаръий ҳукмлар олинадиган масдар – манбадир.

Суннатнинг ҳаққонийлигига Қуръони карим ҳам далил бўлиб келади: Оли Имрон сурасининг 32-оятида «(Эй муҳаммад) Аллоҳга ва унинг расулига итоат қилинглари, деб айтилган», дейилган. Нисо сураси 80 оятида эса «Кимки аллоҳнинг расулига итоат қилса, у аллоҳга итоат қилибдир» дейилади. Булардан ташқари: «Агар Аллоҳ ва унинг пайғамбари бирор мўмин ёки мўминага бирор иш юзасидан ҳукм чиқарган бўлса, у ҳукми ижро этиш ёки этмаслик тўғрисида уларда ҳеч қандай ихтиёр йўқдир» (Аҳзоб сураси, 36 оят) ; «Сизларга нима нарсаники пайғамбар келтирса, уни қабул қилинглари. Сизларни нима нарсадан қайтарса, ундан қайтинглари » (Ҳашр сураси, 7-оят).

Ислом шариатида **ижмоъ** (иттифоқ бўлиш, азму қарор қилиш) - муҳокама этиладиган масала юзасидан мужтаҳидларнинг бир фикрга келишуви; фикҳ манбаларидан биридир. Усул ал фикҳ уламолари ижмоъни куйидагича таърифлайдилар: Муҳаммад (сав)нинг умматидан бўлган барча мужтаҳидларнинг у кишининг асридан кейинги даврларда бирор шаръий ишга яқдиллик билан иттифоқ қилишлари ижмоъдир. Ижмоъ фақат мужтаҳидлар тарафидан содир бўлади. Ижмоъда фақатгина фосиқлик ва бидъатчиликдан холи бўлган мужтаҳидлар қатнашади. Ижмоънинг келиб чиқиши VII асрнинг 2-ярмида ўтган дастлабки мужтаҳидлар - "Мадинанинг етти фақиҳи" -Саид ибн ал-Мусаййиб, Урва ибн аз-Зубайр, Абу Бакр ибн Убайд, ал-Қосим ибн Муҳаммад, Убайдуллоҳ ибн Абдуллоҳ, Сулаймон ибн Йасар ва Хориж ибн Зайд фаолиятлари билан боғлиқ.

Агар Қуръонда ҳам, суннатда ҳам зикри келмаган масала кўндаланг бўлиб қолса, бу масаланинг ечилиши мусулмонларнинг ишбошиларига ҳавола қилинади. Чунки оятда: "...Пайғамбарга ва ўзингиздан бўлган ишбошиларга итоат қилинган", деган амр бор.

Қиёс (араб. - таққослаш) – **фикҳ, шариат** манбаларидан бири (Қуръон. сунна, ижмоъдан сўнг тўртинчиси). Қиёсда дастлабки 2 манба - Қуръон ва суннада берилмаган бирор ҳуқуқий масала улардаги шунга ўхшаш масала бўйича берилган кўрсатмага таққослаш йўли билан шарҳ этилган. Масалан, ароқнинг шайтон иши эканлиги, уруш-жанжал, адоват чиқариши сабабидан, у Қуръони каримда ман этилган. Арақдан бошқа маст қилувчи ичимликлар ҳақида бирор нарса айтилмаган. Лекин мужтаҳид уламолар маст қилувчи ичимликларнинг ҳаммасида ҳам ароқ каби салбий натижалар бўлишини ҳисобга олиб, унга қиёс қилганлар ва ҳаром деб ҳукм чиқарганлар. Қиёс фақиҳлар ҳуқуқини кенгайтириб, шариатни турмушнинг турли томонларига татбиқ этишга имконият берган. Шу билан бирга қиёс ислом динини замон ва тараққиёт билан ёнма-ён юришида асосий омиллардан бири ҳисобланади. Қиёснинг манба сифатида киритилиши

шариатиинг ҳуқуқ тизими сифатида шаклланиши ва руҳонийлар, фақиҳлар мавжуд муносабатларни ҳимоя қилишдаги мавқеининг ошишидаи далолат берар эди. Ислом ҳуқуқшунослигида ҳозирда ҳам қиёсга амал қилинади.

Ал-истихсон. «Истисхон» сўзи луғатда «бирор нарсани яхши деб ҳисоблаш» маъносида ишлатилади. Усул истилоҳида эса «муҷтаҳиднинг очиқ-равшан қиёсдан махфий қиёсга, куллий ҳукмдан жузъий ҳукмга ўтишлиги» тушунилади. Бундай ўтишликни унинг ижтиҳоди тақозо қилган.

Ал –маслаҳатул мурсала. «Маслаҳатул мурсала» луғатда қайддан холи бўлган, ҳеч бир нарсага боғланмаган маслаҳат маъносида келади. Усул уламолари истилоҳида эса у шундай бир маслаҳатки, шориъ унга асосан ҳукм ҳам машруъ қилмаган, бирор шаръий далил келиб, уни эътибор олинганини ҳам, эътиборга олишни бекор қилинганини ҳам исботламаган.

Урф. «Урф» кишилар ўрганиб, одатланиб қолганликларига асосан қилиб келаётган ишларига, сўзларига айтилади. Уни одат деб ҳам юритилади.

Истисҳоб. Луғатда «бирга бўлмоқ» маъносида ишлатилади. Усул истилоҳида эса бир нарсанинг бирор далил келиб ўзгартирмасдан аввалги ҳолига берилган ҳукм истиҳсоб дейилади. Мисол тариқасида, бирор ҳайвоннинг гўшти ҳаром қилинганлигига ҳеч бир далил топилмаса, унинг гўшти мубоҳ деб ҳукм чиқарилади.

Аввалги умматларнинг шариати ва саҳобанинг йўли кабилар ҳам фикҳ манбаларидан саналади.

Муҳокама учун саволлар:

1. Фикҳ ва шариатнинг биринчи тўрт манбаси тўғрисида фикр билдиринг.
2. Фикҳнинг манбаларини санаб беринг.
3. Сизнингча, нима учун урф шаръий ҳукм манбасига айлантирилган?

3-асосий савол бўйича дарс мақсади: талабаларга фикҳ мактаблари, уларнинг асосчилари тўғрисида маълумот бериш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- 3.1. «Мазҳаб» сўзининг маъно-маҳиятини очиб беради.
- 3.2. фикҳий мазҳабларни фарқлайди.
- 3.3. Ҳанафийлик мазҳаби тўғрисида билади

3-асосий саволнинг баёни:

Юқоридаги мавзуларимизда исломдаги турли низолар натижасида у уч асосий йўналишга бўлиниб кетганлигини таъкидлагандик. Улардан энг кўп тарқалгани - суннийлик йўналиши «Аҳли сунна вал жамоа» деб аталади ва тўрт фикҳий: ҳанафий, шофеий, моликий, ҳанбалий; иккита ақидавий: ашъарий ва мотурудий мазҳабларидан иборат. **Мазҳаб** сўзи араб тилида йўналиш, оқим, йўл, таълимот деган маъноларни беради. VIII-IX асрга келиб шариатнинг шаклланиши жараёнида ҳуқуқшунослик – фикҳ соҳасида жуда кўп мазҳаблар юзага келган. Юқорида таъкидланганидек, ҳозирда суннийликда тўртта мазҳаб – ҳанафийлик, моликийлик, шофеъийлик, ҳанбалийлик мавжуд бўлиб уларнинг номлари асосчиларининг исмларидан олинган.

Бугунги кунда дунёдаги 1,5 млрд. мусулмон аҳолининг 92,5 % ни суннийлар ташкил этиб, улар мазҳаблар бўйича қуйидаги нисбатда бўлинганлар:

- ханафийлар – 47% ;
- шофеъийлар – 27% ;
- моликийлар – 17% ;
- ханбалийлар – 1,5 %.

Шиа йўналиши исмоилий, ибодий, жаъфарий, зайдий мазҳабларини ўз ичига олиб, мусулмонларнинг 7,5%ни ташкил қилади.

Машҳур фақиҳ уламолар ижтиҳодлари воситасида муомалатни ишлаб чиқдилар. Фикҳ таркиб топиш даврида Ироқ (Бағдод)да – Нўъмон ибни Собит абу Ҳанифа (ваф. 767) ва Мадинада – Молик ибни Анас (ваф. 795) фаолият кўрсатдилар. Кейинроқ IX-X асрларда Муҳаммад ибн Идрис аш-Шофеъий (ваф. 810) ва Аҳмад ибн Ханбал (ваф. 855) каби бошқа бир қанча мужтаҳидлар ижтиҳод қилишди. Лекин XIV асрга келиб суннийликда фақат шу тўрт мазҳаб қолди. Юқоридаги олимларнинг фикрлари уларнинг шогирдлари ва ҳамфикрлари қалами орқали бизгача етиб келган:

1. **Ханафийликдаги** машҳур китоблар: Муҳаммад инб ал-Ҳасан аш-Шайбонийнинг (ваф. 805) «Кутуб заҳиратур ривайя» номли китоби. Кейинроқ муҳим қисмларини Абдул Фади ал-Марвазий «Ал-Кафи» асарида янада тартибга солди. Унга Шамсуддин ас-Сарахсий (ваф. 1090) «Ал Масбут» номли шарҳ ёзган.

2. **Моликийликда** Молик ибн Анаснинг «ал-Муватта» («Оммавий» яъни «Барчага тушунарли») асари асосий асардир. Ундан ташқари Абдусалом Сахнум (ваф. 854)нинг «Ал-Мудаввана ал-Кубра» («Катта хотира») асари алоҳида туради.

3. **Шофеъийликда** «ал-Умм» асари асосий манбадир.

4. **Ханбалийликда** Аҳмад ибн Ханбалнинг «ал-Муснаб» асари бош манба сифатида қаралади.

Муҳокама учун саволлар:

1. «Мазҳаб» сўзининг маъносини қандай тушунасиз?
2. Суннийлик ва шиалик фикҳий ва ақидавий мазҳабларини сананг.
3. Суннийлик мазҳаблари асосчилари асарларини таҳлил қилинг.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ҳусниддинов З. Ислом: йўналишлар, мазҳаблар, оқимлар Т.: 2000.
2. Абдурахмон Халлоф. Усулул фикҳ. Т.: Адолат. 1998.
3. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари. Т.: 2004.
4. Ислом. Энциклопедия. Т.: 2004.
5. Қори Муҳаммад ибн мулла Ҳасан. Илми ахлоқ. Т.: 2000.
6. Муҳаммад Зоҳид Қутку ибн Иброҳим ал-Бурсавий. Аҳли суннат вал-жамоат ақоиди. Т.: 1998.
7. Муҳаммад Аваз ибн Садриддин Қоратоший. Мажмуат ул-аҳком. Т.: 1993.
8. Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Ихтилофлар ҳақида. Т.: 2003.
9. Убайдуллоҳ ибн Маъсуд. Мухтасар (Шариат қонунларига қисқача шарҳ). Т.: 1994.

7-мавзу. Мустақиллик шароитида ислом динининг ўрни.

Фанни ўқитиш технологияси: “Мустақиллик шароитида ислом динининг ўрни” мавзусидаги маъруза машғулотининг технологик харитаси

Т/ Р	Босқичлар ва бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи шахс, вақт
1	Тайёрлов босқичи: 1.1 Дарс мақсади: Талабаларга мустақиллик шароитида динга, хусусан ислом динига бўлган муносабатлардаги туб бурилишлар тўғрисида маълумот бериш. 1.2. Идентив мақсадлар: 1.2.1. Дунёвий давлат тушунчасини маъносини англайди. 1.2.2. Дин ва дунёвий давлат муносабатларини билади. 1.2.3. Истиклол йилларида динга муносабатни баҳолайди. 1.3. Асосий тушунча ва иборалар: мустақиллик, истиклол, дунёвий давлат, дин ва дунёвий давлат, ғоявий тарбия, ғоявий иммунитет. 1.4. Дарс шакли: гуруҳ ва микрогуруҳларда. 1.5. Фойдаланиладиган метод ва усуллар: суҳбат, маъруза-ҳикоя, баҳс, видеоусул. 1.6. Керакли жиҳоз ва воситалар: Кўргазмали куроллар, харита, тарқатма материаллар.	Ўқитувчи
2	Ўқув машғулоти ташкил қилиш босқичи: 2.1. Мавзу эълон қилинади. 2.2. Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади.	Ўқитувчи, 15 минут
3	Гуруҳда ишлаш босқичи: 3.1. Талабаларга муаммоли савол беради. 3.2. Талабалар фикри эшитилади, бошқа талабалар баҳсга чақирилади. 3.3. Умумий хулосалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади. 3.4. Умумий хулосага келинади.	Ўқитувчи- талаба, 40 минут
4	Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи: 4.1. Берилган маълумотни талабалар томонидан ўзлаштирилганини аниқлаш учун қуйидаги саволлар берилади: - мустақиллик деганда нимани тушунаси? -Дунёвий давлат нима? - Дин ва дунёвий давлат нима? - Ғоявий тарбия деганда нимани тушунаси? - Ғоявий иммунитет нима? 4.2. Энг фаол талабалар (баҳолаш мезони асосида) баҳоланади.	Ўқитувчи, 15 минут
5	Ўқув машғулоти яқунлаш босқичи: 5.1. Талабалар билими таҳлил қилинади. 5.2. Мустақил иш топшириқлари берилади. 5.3. Ўқитувчи ўз фаолиятини таҳлил қилади ва тегишли ўзгартиришлар киритади.	Ўқитувчи, 10 минут

Асосий саволлар:

1. Мустақиллик ва динга муносабат.
2. Ўзбекистон қонунчилигида дин масалалари.
3. Ислом ғоявий ва мафкуравий тарбиянинг муҳим воситаси.

Мавзуга оид таяна тушунча ва иборалар: мустақиллик, истиқлол, дунёвий давлат, дин ва дунёвий давлат, ғоявий тарбия, ғоявий иммунитет.

1-асосий савол бўйича дарс мақсади: Талабаларга мустақиллик шароитида динга, хусусан ислом динига бўлган муносабатлардаги туб бурилишлар тўғрисида маълумот бериш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- 1.1. Дунёвий давлат тушунчасини маъносини англайди.
- 1.2. Дин ва дунёвий давлат муносабатларини билади.
- 1.3. Истиқлол йилларида динга муносабатни баҳолайди.

1-асосий саволнинг баёни:

Президентимиз И.А.Каримов мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаёқ миллий кадриятларимизни тиклаш, уларни тўлалигича келажак авлодга етказиб бериш ҳақида ғамхўрлик қилиб келмоқдалар. Шу билан бирга, миллий ва умуминсоний кадриятларни кенг тарғиб қилиш, одамлар онги ва қалбига сингдириш юртимизнинг келгуси тараққиёти учун муҳим эканлигини айтган эдилар.

Ўзбек халқи азалдан дин ва диёнатни чуқур эҳтиром қилиб келган, уни ўзининг яловбардорига айлантирган халқлардандир. Юртимизда етишиб чиққан заковат эгалари нафақат дунёвий, балки диний илмларни эгаллаш, уларни кадрият даражасига кўтаришда чексиз хизмат қилдилар. Ислом дини, тасаввуф таълимоти араб мамлакатларида пайдо бўлган бўлса ҳам, уларнинг камолотга етишишига Марказий Осиё ҳудудидан етишиб чиққан мутафаккирлар беқиёс ҳисса қўшганликларини жаҳон илмий жамоатчилиги тан олган.

Ислом таълимотининг маърифий, инсонпарварлик ғоялари билан ёшларимизни баркамол инсон қилиб тарбиялаш, вояга етказиш орқали мустақиллик руҳида тарбиялаш, дунёвий билимлар билан бирга диний таълимотнинг ижобий томонларини ўргатиш асосида уларни комил инсон қилиб тарбиялаш ҳозирги куннинг муҳим масалаларидандир. «Биз фарзандларимизни дунёвий билимлар билан бир қаторда Имом Бухорий тўплаган ҳадислар, Нақшбандий таълимоти, Термизий ўғитларлари, Яссавий ҳикматлари асосида тарбия қилмоқдамиз»¹⁰, -дейди И. Каримов.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда диний ташкилотларнинг сони ўсди. 1990 йилда республикада 119 та диний ташкилот, 2 та диний ўқув юрти мавжуд бўлган бўлса, бугунги кунда 2200 дан ортиқ диний ташкилот эркин фаолият кўрсатмоқда. Улардан энг йириги Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Рус Православ черковининг Тошкент ва Ўрта Осиё Епархияси, Евангел христиан-баптистлар черкови, Рим-католик черкови, Тўлиқ Инжил христианлари черкови, Ўзбекистон Библия жамияти ва бошқалар. Шунингдек, 2000 атрофида масжид, 163 та христиан черкови, 8 та яҳудий синагогалари, 6 та Баҳоийлар жамоаси, 1 та

¹⁰ Каримов И. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. –Тошкент.: Ўзбекистон, 2000 йил, 12-бет.

Кришнани англаш жамияти, 1 та Будда ибодатхонасида фуқаролар эмин-эркин ибодат қилишлари учун барча шароитлар яратилган.

Ўтган йиллар давомида диний ўқув юртларининг иши ҳам ривожлантирилди. Мустақилликкача бор-йўғи 2 та диний ўқув юрти ишлаган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 13 тага етди. Илк марта диний ўқув юрти талабаларига стипендия бериш таъсис этилди.

Тошкент Ислом институтини 1975-1990-йиллар орасида 153 киши, «Мир Араб» мадрасасини 1950-1990-йиллар орасида 272 киши, умуман олганда, собиқ совет даврида диний билим юртларини жами 425 киши битирган бўлса, мустақиллик йилларида, республикадаги 10 та мадраса ва Тошкент ислом институтини 1991-2004-йиллар орасида 5058 киши битириб чиқди. Шу жумладан, имомларнинг диний маълумоти даражаси сезиларли оширилишига эришилди. Бугун уларнинг 90%дан зиёди махсус диний маълумотга эга.

Фуқароларга ҳаж ибодатини адо этишлари учун барча шароитлар яратилди. Шу ўринда 1994-йилдан ҳожилар учун имтиёзли валюта конвертацияси ташкил этилганини алоҳида қайд этиш лозим. Ушбу мақсадда ўтган йилларда 47 миллиондан ортиқ АҚШ доллари ажратилди. 1991 йилда ҳажга боровчилар сони 1500 кишини ташкил этган бўлса, 1996 йилдан эса бу рақам йилига 3800 ни ташкил этмоқда. Мустақиллик даврида жами 45 мингдан ортиқ киши ҳаж ибодатини адо этди.

Юқоридаги каби ўзгаришларни бошқа конфессиялар мисолида ҳам кўриш мумкин. Хусусан, 1998 йилдан Православ ҳамда Протестант семинариялари фаолият кўрсата бошлади, Рус православ черкови Тошкент ва Ўрта Осиё Епархиясининг 125 йиллиги ва Евангел-Лютеран жамоасининг 100 йиллиги нишонланди.

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, «Дин давлатдан ажратилгани билан жамиятдан ажратилгани йўқ».

Ўзбекистон давлатининг дунёвийлик, диний бағрикенглик, барча динларга бир хилда муносабат, жамият тараққиётида дин билан ҳамкорлик қилиш хусусиятлари ушбу тамойил асосида амалга оширилади. Чунки конституциявий дунёвий-маърифий давлатда виждон эркинлиги қонуни диний эътиқоди ва дунёқарашидан қатъий назар, сиёсий хоҳишларини билдиришда барча фуқароларнинг тенг иштироки тамойилига риоя қилади.

Муҳокама учун саволлар:

1. Дунёвий давлат тушунчасини мазмунини очиб беринг.
2. Дин ва дунёвий давлат муносабатлари тўғрисидаги фикрларингизни баён этинг.
3. Ўзбекистон Конституциясида дин тўғрисида нималар дейилган?

2-асосий савол бўйича дарс мақсади: Талабаларга Ўзбекистон қонунчилигида дин ва диний масалаларга қаратилган эътибор тўғрисида гапириб бериш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар» тўғрисидаги қонунни билади.
- Қонуннинг янги таҳрирдаги матни билан танишади.
- Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган диний конфессиялар ва диний ўқув юртлари билан танишади.

2-асосий саволнинг баёни:

«Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонун 1991 йилда қабул қилинган бўлиб, 1993 йилда киритилган баъзи қўшимча ва ўзгартиришлар билан 1998 йилга қадар амалда бўлиб келди. 1990-йилларнинг бошларида ҳукуматимиз томонидан берилган имкониятларнинг суистеъмол қилиниши, масжид куриш кампанияга айланиб кетиши оқибатида уларнинг сони 89 тадан 5000 тагача етди. Уларнинг аксарияти ҳужжатлари тўлиқ расмийлаштирилмаган, малакали имомлар билан таъминланмаган (95,8% диний маълумотсиз) ва зарур шароитлар бўлмаган ҳолда фаолият юргизиб, турли ёт ғояли «дин пешволари» масжидларни ўз уяларига айлантиришга ҳаракат қилдилар.

Баъзи диний ташкилотларнинг раҳбарлари хорижий фуқаролар бўлиб, аслида ҳеч қандай диний маълумотга эга бўлмай, молиявий ёрдам кўрсатиш ҳисобига республика ҳудудидаги диний ташкилотларга раҳбарлик қилиб олиб, бузғунчилик, миссионерлик фаолияти билан шуғулланардилар. Уларнинг асосий мақсади турли йўл ва усуллар билан ўз сафларини маҳаллий миллат вакиллари ҳисобига кенгайтиришдан иборат эди.

Давр талаблари асосида «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонунни тубдан ўзгартириш зарурати туғилди ва 1998 йил 1 май куни янги таҳрирда қабул қилинди. Киритилган ўзгартиришлар нималардан иборат эди?

Қонуннинг 8-моддасига асосан, диний ташкилотлар 18 ёшга тўлган ва республика ҳудудида доимий яшаётган 100 нафардан кам бўлмаган Ўзбекистон фуқаролари ташаббуси билан тузилиши, муайян конфессияга қарашли диний ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва йўналтириб бориш учун уларнинг республика бўйича ягона марказий бошқарув органи тузилиши мумкинлиги ҳақидаги қоида мустаҳкамлаб қўйилди.

Шунингдек, тегишли диний маълумотга эга бўйган Ўзбекистон фуқаролари диний ташкилотларнинг раҳбарлари этиб сайланишлари, бундай лавозимга истисно ҳолатда хорижий фуқаролар номзодлари Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита билан келишиб олинishi белгилаб қўйилди.

Қонуннинг 9-моддасига мувофиқ диний ташкилотларнинг марказий бошқарув органлари руҳонийлар ва ўзларига зарур бўлган диний ходимлар тайёрлаш учун диний ўқув юртлари тузишга ҳақлидир.

Қонуннинг 5-моддасида бир конфессиядаги диндорларни бошқасига киритишга қаратилган хатти-ҳаракатлар (прозелитизм), шунингдек, бошқа ҳар қандай миссионерлик фаолияти ман этилади.

Ушбу модданинг мазмуни ва аҳамиятини тушуниш учун миссионерлик ва прозелитизм нима эканини билиб олиш керак. Миссионерлик - бошқа диний

эътиқодга эга бўлган шахсни ўз динига оғдириб олишлик учун бошқа диний ташкилотлар вакиллари томонидан амалга ошириладиган ҳаракат. Прозелит - бу ўз динидан кечиб, бошқа динга ўтган одам.

Қонуннинг 16-моддасига асосан: «Диний ташкилотлар учун ер ажратиш ҳамда ибодат бинолари куриш тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг рухсати билан белгиланган тартибда амалга оширилади».

Қонуннинг диний адабиётларга тегишли бўлган 19-моддаси ҳам бир қадар ўзгартирилди: «Диний ташкилотларнинг марказий бошқарув органлари диний мақсадларга мўлжалланган буюмлар, диний адабиётлар ва диний мазмундаги бошқа ахборот материалларини Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишлаб чиқаришга, экспорт ва импорт қилишга ҳамда тарқатишга ҳақлидир». Мазкур қоида Ўзбекистон ҳудудига диний адабиётларнинг олиб кирилишини тартибга солади.

1966 йил 16 декабр куни БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган «Халқаро фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар пакти»нинг 18-моддасига мувофиқ равишда, Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонуни 3-моддасида: «Динга эътиқод қилиш ёки ўзга эътиқодлар эркинлиги миллий хавфсизликни ва жамоат тартибини, бошқа фуқароларнинг ҳаёти, саломатлиги, ахлоқи, ҳуқуқи ва эркинликларини таъминлаш учун зарур бўлган даражадагина чекланиши мумкин»лиги белгиланган.

Мазкур қонуннинг 23-моддасига кўра «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузишда айбдор бўлган мансабдор шахслар, диний ташкилотларнинг хизматидагилар ва фуқаролар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар». Бу модда қонун олдида барча бир хил бўлишини таъминлайди. 1998 йилнинг 1 май куни Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий (184, 184-1, 201, 202-1, 240, 241-моддалар) ва Жиноят (141, 145, 156, 216, 217, 229-2, 244-1-моддалар) кодексларига ҳам қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди. Шунингдек, жиноят кодекси ҳам маъмурий жавобгарликка тортилгандан сўнг амалга ошириладиган жавобгарлик бўйича янги моддалар билан тўлдирилди.

Муҳокама учун саволлар:

1. Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги» Қонунининг мазмуни нималарга қаратилган?
2. Янги таҳрирдаги Қонунга киритилган ўзгартиришлар тўғрисида гапириб беринг.

3-асосий савол бўйича дарс мақсади: Талабаларга ғоявий тарбия жараёнида ислом дини ғояларидан фойдаланишнинг турли усуллари тўғрисида маълумот бериш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- 3.1. Ислоннинг бағрикенглик ғояларини билади.
- 3.2. Ислоннинг ижтимоий тараққиётга ижобий таъсирини баҳолайди.
- 3.3. Президентимизнинг ислон ва дин тўғрисидаги фикрларини билади.

3-асосий саволнинг баёни:

Узоқ вақт давом этган мафкуравий тазйикка қарамай, Ўзбекистон халқи авлоддан авлодга ўтиб келган тарихий қадриятлари ва ўзига хос анъаналарини сақлаб қолишга муваффақ бўлди. Буюк истиқлол эса уларнинг ҳар томонлама ривож учун кенг имкониятлар очиб берди. Энг аввало, асрлар давомида умуммиллий қадрият даражасига кўтарилган диний байрамлар - Рамазон ва Қурбон ҳайитларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари (№ 193, 11.04.1991.; №221, 20.06.1991.) билан дам олиш куни деб эълон қилингани ва улар оммавий равишда нишонлана бошланганини таъкидлаш зарур.

Дин соҳасида оламшумул аҳамият касб этган уламоларнинг меросини ўрганиш, аждодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган ғоят улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган ниҳоятда муҳим вазифа бўлиб қолди. Ижтимоий ҳаётни ислоҳ қилиш ва янгилаш жараёнида маънавий қадриятларнинг қудратли қатламлари ҳам очилди. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг соҳага оид қатор фармон ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этди.

Имом Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Бурҳониддин Марғиноний, Абдулхолиқ Ғиждувоний, Хожа Ахрор Валий каби мутафаккирларимизнинг юбилейлари ўтказилди. Улкан ва бой маданиятимизнинг узвий қисми бўлмиш ислон назарияси, тарихи, фалсафаси, ҳуқуқшунослиги, маданияти ва ахлоқи масалаларини чуқур ўрганиш илмий тадқиқотларда марказий ўрин эгаллай бошлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов фармонига биноан ташкил этилган Тошкент Ислон университети кўп қиррали таълим берувчи, маънавий-маърифий ва илмий марказга айланди. Бу ерда диний ва дунёвий билимларни ҳамда хорижий тилларни пухта ўзлаштирган, маърифий ислонни халқ орасида тарғиб эта оладиган мутахассисларни тайёрловчи тизим шаклланди, қиёсий диншунослик ва ислоншунослик соҳаларида магистрлик, номзодлик ва докторлик изланишлари ташкил қилинди.

Университетда давлат ва жамоат ташкилотларининг масъул ходимлари диннинг жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти, дин ниқоби остидаги экстремистлар жаҳолатига қарши маърифий жавоб бериш кўникмалари бўйича билимларини чуқурлаштиришлари учун доимий малака ошириш курслари йўлга қўйилди. Шу нуқтаи назардан қараганда, халқимиз диний ва маънавий қадриятларининг ҳозирги демократик жамият қадриятлари билан уйғунлашиши республикаимизнинг келажакда янада раванқ топиши, жаҳон ҳамжамиятига қўшилишида муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Президентимиз И.А.Каримов мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаёқ миллий қадриятларимизни тиклаш, уларни тўлалигича келажак авлодга етказиб

бериш ҳақида ғамхўрлик қилиб келмоқдалар. Шу билан бирга, миллий ва умуминсоний қадриятларни кенг тарғиб қилиш, одамлар онги ва қалбига сингдириш юртимизнинг келгуси тараққиёти учун муҳим эканлигини айтган эдилар.

Президент ҳақли равишда, диннинг Ўзбекистон фуқаросини тарбиялашдаги катта имкониятларига ишонади ва «биз дин бундан буён ҳам аҳолини энг олий руҳий-ахлоқий ва маънавий қадриятлардан, тарихий ва маданий меросдан баҳраманд қилиш тарафдоримиз», деб таъкидлайди. «Лекин биз, - деб давом этади И.А.Каримов, - ҳеч қачон диний даъватлар ҳокимият учун курашга, сиёсат, иқтисодиёт ва қонуншуносликка аралashiш учун байроқ бўлишига йўл қўймаймиз».

Инсон эътиқоди, дейилганда фақат дин тушунилмади. Дин эътиқоднинг ўзига хос кўриниши бўлиб, у ҳам жамиятда ўзига хос вазифаларни бажаради. Диний эътиқод дейилганда инсоннинг ўз иродасидан юқори турувчи олий руҳий зотга қатъий ишонч, илоҳий мададдан умидворлик, маълум бир тасаввур, ақида, муқаддас китоб, пайғамбарлар, авлиёлар ва бошқаларга ишончни тушунилади. Ҳар бир дин ва диний конфессияларнинг ўзига хос ақидалари мавжуддир. Барча динларда яхшиликка ундалади. Лекин, ҳамма динлар ҳам моҳиятига кўра яхшиликка олиб келавермайди. Бу ерда берилаётган баҳо “яхшилик” сўзи қандай талқин қилиниши ва тушинилишига боғлиқ. Яхшилик дея вайронагарчиликларга ҳам олиб келувчи турли диний оқим ва секталар фаолиятини асло унутмаслигимиз керак.

Муҳокама учун саволлар:

1. Динларнинг бағрикенглик ғояларини иаҳлил қилинг.
2. Ислоннинг ижтимоий тараққиётга таъсири нималарда намоён бўлади?
3. Президентимизнинг ислон ва дин тўғрисидаги фикрларини ёд олинг ва таҳлил қилинг.

СЕМИНАР МАВЗУЛАРИ ЮЗАСИДАН МЕТОДИК ТАВСИЯЛАР.

1-мавзу: Ислон динининг вужудга келиши.

Асосий саволлар:

1. Ислон дини пайдо бўлиши арафасида Арабистон ярим оролидаги тарихий, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий вазият.
2. Ислон таълимотининг пайдо бўлиши ва ёйилиши.
3. Ислон давлатининг пайдо бўлиши.

Методик тавсиялар: Мавзуни ўрганишда талабалар ислон динининг пайдо бўлиши арафасида Арабистон ярим оролидаги ижтимоий-сиёсий, маънавий ва иқтисодий вазиятни тўғри таҳлил этишлари керак. Ислоннинг пайдо бўлиши ва шаклланишига кучли таъсир кўрсатган тарихий вазият эътибордан четда қолмаслиги керак. Шунингдек, ислоннинг араб қабиаларининг бирлашиши жараёнидаги мафкуравий қурол бўлиб хизмат қилганлиги ва босқинчилик юришларига «асос» бўлганлигига эътибор беришлари лозим.

Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати:

1. Абдусамедов А. Диншунослик асослари. Т.: 1995. 62-92-бб.
2. Жўраев У., Саиджонов И. Дунё динлари тарихи. Т.: 1998, 105-113-бб.
3. Билкиз Аладдин. Муҳаммад пайғамбар қиссаси. Т.: Камалак-1991, 9-49 бб.
4. Вахтин Ю.Б. Жизнь пророка Мухаммеда. Т.: 1991.Стр. 3-164.
5. Ислom. Энциклопедия. Т.: 2004. 313 б.
6. Мавлянов У. «Ислom дини асослари ва маънавияти» курсидан ўқув- услубий мажмуа. Гулистон: 2007. 19-27-бб.
7. Ортиқов А., Абдусамедов А. «Диншунослик асослари» курсидан маърузалар матни ва услубий маслаҳатлар. Т.: 2000. 27-40-бб.

2-мавзу: «Қуръон» - ислom динининг муқаддас китоби.**Асосий саволлар:**

1. «Қуръон»нинг яралиш тарихи.
2. Қуръон маънавияти.
3. Қуръон ва илм-фан.

Методик тавсиялар: Ушбу мавзуни ўрганишда талабалар «Қуръон» ва унинг Марказий Осиё халқлари маънавий шаклланишида тутган ўрнига алоҳида эътибор беришлари керак. «Қуръон»нинг шаклланиши, унинг 23 йил давомида «нозил этилиши», уни яхлит китоб ҳолига келиши, бу жараёнда халифалар ва улуг саҳобаларнинг хизматига диққат қилиш керак. «Қуръон» нафақат диний, балки дунёвий билимларни ўз ичига олиши, унда илм олишга кучли даъват этилганлиги, маънавий баркамол кишини шакллантиришда унинг ғояларидан фойдаланиш имкониятларига эътибор бериш керак.

Айниқса, мустақиллик йилларида «Қуръон»нинг ўзбек тилига таржима қилиниши ва катта адабда нашр этилганлиги алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати:

1. Жўраев У., Саиджонов И. Дунё динлари тарихи. Т.: 1998. 105-109-бб.
2. Қуръони Карим. Т.:2001. –544 б.
3. Ислom. Энциклопедия. Т.: 2004. -313 б.
4. Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Имон. Т.: 1992. 10-31; 28-148-бб.
5. Қуръон ҳикоятлари. Т.: 2002.
6. Мавлянов У. «Ислom дини асослари ва маънавияти» курсидан ўқув- услубий мажмуа. Гулистон: 2007. 28-35-бб.
7. Холук Нурбоқий. Қуръони каримнинг илмий мўъжизалари. Т.: 1999.

3-мавзу: Ислomнинг Мовароуннаҳрга кириб келиши.**Асосий саволлар:**

1. Араблар Мовароуннаҳрга келишидан аввал мавжуд бўлган диний эътиқодлар.
2. Арабларнинг Мовароуннаҳрга кириб келиши.
3. Мовароуннаҳрмданияти, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётига ислomнинг таъсири.

Методик тавсиялар: Мавзуни ўрганишда талабалар Мовароуннаҳрда ислomдан аввал мавжуд бўлган ва амал қилган динлар, хусусан, уруғ-қабилавий эътиқодлар, буддавийлик ва зардуштийлик, бу динларнинг вакиллари бағрикенглик тамойиллари асосида ҳамжиҳатликда ҳаёт кечирганликлари, бу бағрикенглик ўлкага ислom кириб

келгандан сўнг ҳам давом этганлигига алоҳида эътибор қаратадилар. Маҳаллий диний урф-одатларнинг кейинчалик ислом анъаналари билан уйғунлашиб кетганлигига диққат қилинади.

Шунингдек, ислом дини ва унинг таълимотини Марказий Осиёга кириб келиши ва ўрнашишининг ижтимоий-тарихий шарт-шароитлари, арабларнинг ўлкада юритган сиёсати ва унинг оқибатларига эътибор қаратилади. Ислом дини ўлка халқларининг асосий эътиқоди ва дунёқарашининг асосига айлангандан кейин Мовароуннаҳр халқлари ҳаётидаги ўрни, ўзига хос хусусиятларини ёритадилар.

Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати:

1. Абдусамедов А. Диншунослик асослари. Т.: 1995. 33-62-бб.
2. Авеста: «Видевдод» китоби. (М.Исоков тарж.) Т.: 2007. –94 б.
3. Дервиш Р.А., Левтева Л.Г., Мусакаева А. Памятники истории религии и культуры в Узбекистане. Т.: 1994, стр.32-59.
4. Джаббаров И., Дресвянская Г. Духи, святые, боги Средней Азии. Т.: 1993. стр. 27-110.
5. Жўраев У., Саиджонов И. Дунё динлари тарихи. Т.: 2002, 36-49-бб.
6. Хайруллаев М. Ўрта Осиёда илк уйғониш даври маданияти. Т.: Фан, 1994. 14-50-бб.
7. Ҳожи Исматуллоҳ Абдуллоҳ. Марказий Осиёда ислом маданияти. Т.: 2005. -384 б.

4-мавзу: Ҳадислар – ислом маънавиятининг манбаси.

Асосий саволлар:

1. Ҳадислар, ҳадисшунослик ва ҳадисларнинг турлари.
2. Машҳур муҳаддислар ҳаёти ва илмий фаолияти.
3. Ҳадислар – маънавият негизи сифатида.

Методик тавсиялар: Талабалар мазкур мавзудан семинарга тайёргарлик кўриш давомида айниқса мустақиллик йилларида Ўзбекистонда ҳадис илми, ҳадисшунослик бўйича бир қанча тадқиқотлар ва асарлар нашр этилганлигини, шунингдек, буюк бобокалонларимиз – ислом оламига донг таратган ватандошларимизнинг тўплаган ҳадисларининг чоп этилганлигига алоҳида эътибор қаратадилар. Ҳадис илми, ҳадисшунослик, ҳадисларнинг турлари, уларни таснифлаш, «сунан», «жомеъ», «муснад» каби тўпламлар, уларнинг фарқларини ёритадилар.

